

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

ТЎРАЕВА БАҲОР БАҲРИДИНОВНА

ЗАМОНАВИЙ РОМАНЧИЛИКДА ХРОНОТОП ПОЭТИКАСИНИНГ
ҚИЁСИЙ-ТИПОЛОГИК ТАДҚИҚИ

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

УДК: 821.512.133.091-31

Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора филологических наук (DSc)

Contents of the dissertation for a Doctor of Science degree (DSc)

Тўраева Баҳор Бахриддиновна

Замонавий романчиликда хронотоп поэтикасининг қиёсий-типологик

тадқиқи 3

Тураева Баҳор Бахриддиновна

Сравнительно-типологическое исследование поэтики хронотопа в

современном романе 31

Turaeva Bahor Bahriddinovna

Comparative and Typological Study of the Poetics of the Chronotope in a

Contemporary Novel 61

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 67

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSс.03/04.06.2021.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

ТЎРАЕВА БАҲОР БАҲРИДДИНОВА

ЗАМОНАВИЙ РОМАНЧИЛИКДА ХРОНОТОП
ПОЭТИКАСИНИНГ ҚИЁСИЙ-ТИПОЛОГИК ТАДҚИҚИ

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ доктори (DSс) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Фан доктори диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.DSc/Fil296 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Халлиева Гулноз Искандаровна
филология фанлари доктори, профессор

Муродов Ғайрат Некович
филология фанлари доктори, профессор

Жўраева Малоҳат Муҳаммадовна
филология фанлари доктори, профессор

Чўпонов Отаназар Отожонович
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «19» сентябрь соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: +99865221-29-14; факс: +99865221-27-07; e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz).

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида таништириш мумкин (194 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: +99865221-25-87).

Диссертация автореферати 2022 йил «07» сентябрь куни тарқатилди.
(2022 йил «07» сентябрь даги 22-23 - рақамли реестр баённомаси.)



Д.С. Ўрасва
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

З.И. Расулов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.н., доцент

М.М. Жўраева
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д. (DSc), профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида XX асрнинг 70-йилларида хронотоп адабий-эстетик категория сифатида борликни акс эттиришнинг поэтик воситаларидан бири ҳамда ёзувчининг ижодий нияти ва асарнинг ғоявий концепциясидан келиб чиқиб, сюжетни юзага чиқаришда, композицион қурилишида, реал ҳаётий воқелик манзарасини инъикос этишда асос бўлган адабий ҳодиса сифатида баҳоланган. Хронотопнинг олам тасвирини қайта яратиш, характерлар руҳиятини ёритиш асосида жамиятнинг мавжуд ижтимоий ҳолатини ифодалаш, миллий-маданий хусусиятлар, азалий қадриятлар, урф-одатлар ва диний қарашларни акс эттириш ҳамда бадиий асарнинг маъно сатҳини кенгайтириш вазибаларини қиёсий-типологик умумлашмада таҳлил қилиш ҳозирги адабиётшуносликнинг долзарб вазибаларидан биридир.

Дунё адабиётшунослигида хронотоп асар воқеа-ҳодисаларининг кетма-кетлиги ва жадаллигини ифодаловчи композиция унсури, образларни тавсифловчи ҳамда ижодкорнинг дунё тузилиши ҳақидаги тасавури, дунёқарашини акс эттирувчи адабий-эстетик категория сифатида талқин қилинмоқда. Дарҳақиқат, асар структураси, сюжет ва композициясини уюштирувчи, эпик матн майдонини шакллантирувчи, бадиий воқеликнинг тугал яхлитликда қабул қилинишини таъминловчи хронотопнинг ижодий теран ўзлаштирилиши асарнинг эстетик табиатини тушунишда ўзига хос ёндашувни тақозо этади. Зеро, хронотоп асарнинг барча унсурларини қамраб олар экан, воқеалар силсиласи, қаҳрамонларнинг кайфият-кечинмаларини бадиий замон ва бадиий макон тасвирисиз кўрсатиб бўлмайди.

Муस्ताқиллик йилларида ўзбек адабиётшунослигида азалдан мавжуд илмий анъаналар билан бир қаторда дунё адабиётшунослигидаги янгича услуб ва ёндашувларни ижодий ўзлаштириш ва тадқиқотларда қўллаш тенденцияси шаклланди. Бинобарин, бадиий адабиётда дунёни образли бадиий қайта гавдалантиришнинг Ғарбда тараққий топган тамойилларини шарқона адабий анъаналар билан уйғунлаштириш кузатилмоқда. «Олий таълим муассасаларини QS ва THE халқаро рейтингларига кириши учун мақсадли дастурни ишлаб чиқиш, маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш»¹ зарурияти фанимиз олдида тадқиқотларни жаҳон андозалари даражасига кўтариш мажбуриятини кўяди. Бу каби устувор мақсадлар дунё адабий тафаккурига янгича қувват бахш этган замонвий романларда ижодкорларнинг бадиий модели яратилган даврнинг ижтимоий, маънавий манзарасини ифодалаш; инсон руҳий кечинмалари микрохронотоп, даврнинг ўткир зиддиятлари макрохронотоп, инсон ва жамият муаммоларини коинот кенглигида – мегахронотоп негизида тасвирлаш; бадиий-фалсафий, этик-эстетик ғоялар, фикрлар ва концепцияларини узоқ тарихий ўтмишдан яқин келажакка қадар хронотопларда қамраш маҳоратини тадқиқ этиш талабини юзага келтиради.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони/ <https://lex.uz/uz/docs/5841063>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 августдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2022 йил 28 январдаги «2022–2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармонлари, 2017 йил 28 июлдаги «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида»ги ПҚ-3160-сон, 2017 йил 17 февралдаги «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2789-сон, 2017 йил 13 сентябрдаги «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги ПҚ-3271-сон Қарорлари, «Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдевори» мавзусидаги маърузаси ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг: «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи². Хронотопнинг хусусиятлари ва поэтикаси масаласини ўрганиш бўйича жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ҳамда олий таълим муассасаларида олиб борилаётган назарий ва амалий тадқиқотларда муҳим илмий натижалар қўлга киритилган, шу жумладан, хронотоп таҳлили ёзувчининг фалсафий, эстетик, ахлоқий, психологик қарашлари билан узвийлиги (Кембридж университети, Буюк Британия), Индиана университети, АҚШ), муаллифнинг замон-макон концепцияси ўзи яшаган давр моделига боғлиқлиги (Гент университети, Бельгия), ритм ва темпоралликнинг аҳамияти, хронотопнинг полифоник романда олам ва одам муносабатларини очиқ беришдаги вазифаси, (Ватерлоо университети, Канада), (Амстердам университети, Нидерландия), вертикал ва горизонтал хронотопларнинг роман бадиий майдонини яратишдаги ўрни, бадиий замон ва бадиий макон узвийлиги диалектикаси (М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Санкт-Петербург давлат университети, Россия), инсон «мен»ининг чегараси, образлар табиати,

²Шарҳ университетларнинг веб-сайтларидаги маълумотлар асосида тақдим этилди: <https://www.cam.ac.uk/>, <https://www.indiana.edu/>, <https://uwaterloo.ca/>, <https://www.ugent.be/en>, <https://www.unil.ch/central/en/home.html>, <https://www.uva.nl/en?cb>, <https://www.msu.ru/>, <https://urfu.ru/ru/>, https://www.istanbul.edu.tr/tr/_, <https://gazi.edu.tr/>, <https://www.ankara.edu.tr/>, <https://osh.rgsu.net/>, <https://www.kaznu.kz/ru>, <https://www.uzswlu.uz/>, <https://buxdu.uz/>, <https://www.samdu.uz/ru>.

кахрамон рухияти, унинг ички кечинмалари, хронотопнинг жанр яратувчи роли (Ал-Фаробий номидаги Қозоқ миллий университети, Қозоғистон), хронотоп образнинг энг муҳим характеристикасига айланиб, асарда муаллиф яратадиган адабий-поэтик реалликни яхлит идрок қилиш – ижодий-эстетик ўзлаштиришни, яъни бадий воқеликни тугал яхлитликда қабул қилинишини таъминлаши (Истамбул университети, Гази университети, Анқара университети, Туркия), (Ч.Т. Айтматов номидаги тил ва адабиёт институти, Қирғизистон), Алишер Навоий «Хамса»сида хронотоп поэтикаси, эпик, лирик, драматик хронотопнинг хусусиятлари, анъанавий, параллел ва синкретик хронотопларни қўллашда ижодкорларнинг маҳорати, тарихий драмада вақт концепциясининг матн структурасидаги ўрнини белгилаш (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Бухоро давлат университети, Самарқанд давлат университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон) каби муаммолар ўз ечимини топган.

Жаҳон адабиётшунослигида хронотоп категориясининг адабий-эстетик моҳияти ва назарий тамойиллари, тур ва жанрлар эволюцияси, модификацияси, бадий асар архитектурасига таъсири, бадий матн семиотикаси, бир адабий матн ёки бир қатор матнлар доирасидаги замон-макон шакллариининг ўзаро тўқнашуви, параллелигига доир қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: замонавий адабиётшуносликнинг долзарб муаммоларидан бири – бахтиншунослик анъаналарининг давом эттирилиши; хронотоп муаммосининг шаклланиш тарихи, моҳияти, функционал аҳамиятининг синергетика, герменевтика, семиотика, когнитив нуқтаи назардан ўрганилиши.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон адабиётшунослигида бадий замон ва бадий макон муаммосининг илмий-назарий муаммолари Европа (Н.Meyerhof, А.James, W.Heffernan, A.Rodriguez, M.Vukanovićand, L.Grmuša, N.Bemong, P.Borghart, J.Culler, M.Atkins)³, рус (М.Бахтин, Д.Лихачев, Н.Гей, Н.Шутая, А.Николаев, З.Тураева, Б.Мейлах, Е.Мелетинский, В.Хализев)⁴ ва ўзбек (Н.Шодиев, Ҳ.Болтабоев, Э.Абуталиева,

³ Meyerhof N. Time in Literature. University of California Press, Berkeley-Los Angeles, 1960; James A., Heffernan W. Space and time in literature and the visual arts. *Soundings: An Interdisciplinary Journal*, Vol. 70, № 1/2, 1987; Rodrigues A. and etc. Studies on Time: Time in Literature. Institute of Advanced Studies of the University of São Paulo, Berkley, Los Angeles: Un-ty of California Press, 1991; M.Vukanovićand, L.Grmuša. Space and Time in Language and Literature. Cambridge Scholars Publishing, 2009; Bemong N., Borghart P. and etc. Bakhtin's theory of the literary chronotope: reflections, applications, perspectives. – Belgium: Gent, Academia Press, 2010; Culler J. Literary theory. – New York: Oxford University Press Inc, 2011; Atkins M. Time and Space Reconsidered the Literary Landscape of Murakami Haruki. PhD Thesis. SOAS, University of London, 2012.

⁴ Бахтин М.М. Вопросы литературы и эстетики. – М., 1975, яна: Проблемы поэтики Достоевского. Работе 1960-х–1970-х гг. – М.: «Наука», 2002; яна: Вопросы литературы и эстетики. – М.: «Худож. лит.», 1975; яна: Эстетика словесного творчества. – М.: «Сов.писател», 1986. яна: Эпос и роман. //Вопр. лит. 1970. – №1; Гей Н.К. Искусство слово. – М.: «Наука», 1967; Лихачев Д.С. Поэтика древнерусской литературы / Д. С. Лихачев. - 2-е изд., доп. - Л.: Худож. лит., 1971.; яна: История поэтики русской литературы. Смех как мировоззрение и другие работе. Спб: «Наука», 1994; Мейлах Б.С. Проблемы ритма, пространства и времени в комплексном изучении творчества //Ритм, пространство и время в литературе и искусстве. –Л.: «Наука», 1974; Мелетинский Е.М. Введение в историческую поэтику эпоса и романа. – М.: «Наука», 1986. Тураева З. Категории времени. Время грамматическое и время художественное (на материале английского языка). – М.: «Высшая школа», 1979; Хализев В.Е. Время и

Ғ.Муродов, У.Жўрақулов, Б.Каримов, Д.Қуронон, А.Насиров, А.Тўйчиев, С.Мирзаева, К.Қодиров, М.Умарова, У.Қаршибаева, Ў.Назаров, Д.Хурсанов) олимларининг тадқиқотларида ёритилган. Жумладан, Х.Мейергофнинг «Адабиётда замон» китобида Марсел Пруст, Джеймс Джонс, Томас Манн ва Томас Вульфларнинг асарларида хронотопнинг фалсафий муаммолари қандай кўйилганлиги ва ижодий-индивидуал ечими умумлаштирилган бўлса, М. Vukanović and, L. Grmuša тадқиқотларида романда хронотоп, эпик макон ва эпик замон муносабатларининг ички ўзига хос боғлиқликлари назарий-таҳлилий ўрганилган. Д.Лихачев қадим рус адабиётида бадий замон поэтикаси, эпик замоннинг субъектив аспектларини, М.Бахтин бадий ўзлаштирилган замон ва маконнинг эстетик ўзаро алоқадорлигини, яъни бадий асарда замон белгиларининг маконда намоён бўлиши, макондаги нарса-предметлар замонда идрок этилишини илмий-назарий тадқиқ этишган.

Ўзбек адабиётшунослигида Н.Шодиев Ўрта Осиё ва Қозоғистон йирик эпик носирчилигида мавжуд дилогия, трилогия, тетралогия ҳамда эпопеялар бадий замонлари поэтикасидаги индивидуал хусусиятларини, Э.Абуталиева минтақанинг икки русийзабон адиблар (Ўзбекистонлик Тимур Пўлатов ва тожикистонлик Тимур Зулфиқоров) иждолари мисолида хронотоп муаммосини ўрганган⁵. И.Ғаниев муаллиф драматик оламининг «маконий-замоний» чегараларини аниқлашга, драмаларнинг хронотопик харитасини чизишга муваффақ бўлган⁶. У.Жўрақулов Алишер Навоий «Хамса»сини хронотоп назарияси асосида тадқиқ этиш, асарга хос жанр, композиция, сюжет ва образлар моҳиятини белгилаш учун, биринчи навбатда, тарихий поэтика илми тажрибаларига таяниш зарурати мавжудлигини эътироф этади⁷. Б.Каримнинг «Роман ичидаги замон» мақоласида бадий асарда замон физикавий мазмундан адабий-фалсафий моҳиятга кўчишини мисоллар орқали таҳлил қилиб, «Ўткан кунлар» романида беш-олти йиллик замон борлигини аниқлайди ва илмий шарҳлайди⁸. Д.Қуронон «Ўткан кунлар», «Кеча ва кундуз» романлари ҳамда Чўлпон хикоялари асосида эпик асарларда «бадий вақт» имкониятларининг кенглигини систем-структур метод асосида таҳлил қилган⁹. Ғ.Муродов миллий тарихий романчиликнинг айрим намуналари ва Марказий Осиё романчилигидаги муайян йирик эпик асарларининг жанрий-поэтик хусусиятлари, муштараклик ҳамда ўзига хосликларни тадқиқ этиб, бош қахрамон тасвиридаги психологизмнинг кенглиги, чуқурлиги, кўп қирралилиги сюжет драматизми, бадий хронотоп, ёзувчининг бадий-

пространство. Теория литературы. – М.: «Высшая школа», 1999; Шугая Н. Типология художественного времени пространства в русском романе XVIII–XIX вв: Дисс. ...док-ра. филол. наук. – М., 2007.

² Абуталиева Э.И. Пространство и время в русскоязычной прозе Средней Азии (на материале творчества Тимура Пулатова и Тимура Зулфукарова): Дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1993. – 158 с.

⁶ Ғаниев И. Фитрат драмалари поэтикаси: Филол. фан. д-ри. дисс. 1998. – Б.89-127.

⁷ Жўрақулов У. Назарий поэтика масалалари: муаллиф, жанр, хронотоп. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. –Б. 74; яна: Алишер Навоий “Хамса”сида хронотоп поэтикаси. Монография. – Тошкент: Турон-икбол нашриёти, 2017. – Б. 265-266.

⁸ Карим Б. Қодирий насри – нафосат қасри. – Т.: «O'zbekiston», 2014. – Б. 23-29.

⁹ Қуронон Д. Назарий қайдлар. – Тошкент: Akademnashr, 2018.– 128 б.; яна: Адабиёт назарияси асослари. – Т.: Академнашр, 2018. – 480 б.

фалсафий концепцияси кабиларга боғлиқлигини эътироф этган¹⁰. А.Насиров Одил Ёқубов романлари асосида сюжет ва композицион яхлитлик, бадий концептуаллик, характер ва руҳият ифодасининг хронотоп поэтикаси билан узвий боғлиқлигини изоҳлаган¹¹. А.Тўйчиев, М.Умарова, Д.Хурсанов ва Н.Қурбонованинг тадқиқотларида хронотоп асар матнининг шаклланишида иштирок этувчи шунчаки компонентлардан бири эмас, балки асар сюжети ва композицияси, қаҳрамонларнинг ҳаёти ҳамда тақдири, жанр ва услубий хусусиятлари тизимида ўзига хос муаллифлик концепцияси сифатида намоён бўлишини таъкидлашган¹².

Мазкур тадқиқотларда хронотопнинг назарий-методологик асос-моҳияти, классик ва замонавий шакллари, турлари, категориялари ҳамда ифода усулларидан иборат мураккаб тизими замонавий романлар мисолида махсус ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети илмий-тадқиқот режасининг 2021–2023 йилларга мўлжалланган «Ўзбек адабиётининг кўп тилли (ўзбек, рус, инглиз тилларида) электрон платформасини яратиш» мавзусидаги амалий лойиҳаси асосида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади хронотопнинг классик ва замонавий шакллари, турлари ҳамда ифода усулларидан иборат тизимини замонавий романлар мисолида илмий-таҳлилий, қиёсий-типологик ҳамда назарий умумлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бадий замон ва бадий макон муаммосини назарий-методологик жиҳатдан ўрганиш, унинг шакллари, турлари ва ифода усулларидан иборат яхлит тизимини комплекс тадқиқ этиш; хронотопнинг ифода усуллари ва шаклларидаги таҳлилдаги асарлар эпик майдонидаги адабий-эстетик ўрнини белгилаш;

парабола-романда миф, афсона, ривоят каби фольклор жанрларини асосий сюжет чизигига ёндош қўллаш орқали параллел хронотопни яратишда ёзувчилар бадий маҳоратини илк бор замонавий романлар мисолида таҳлил қилиш;

мега, макро ва микрохронотоплар нафақат асар бадий олами, балки қаҳрамон руҳияти манзараларини акс эттириши таҳлил қилиниб, амебей композицияни ҳосил қилишини изоҳлаш;

¹⁰ Муродов Ф. Тарихий романнинг муштараклик ва ўзига хосликлар уйғунлиги муаммолари: Филол.фан.д-ри ...дисс. автореф. – Тошкент, 2018. – 80 б.

¹¹ Насиров А. Одил Ёқубов романлари поэтикаси: Филол. фан. д-ри ...дисс. автореф. – Самарқанд, 2018. – 70 б.

¹² Тўйчиев А. Ўзбек романларида макон ва замон. Монография.– Т.: «Mumtoz so'z», 2009. –152 б.; Умарова М. Тарихий драмада бадий вақт: Шекспир ва Фитрат. Монография. – Т.: «Mumtoz so'z», 2013. – 130 б.; Хурсанов Д. Ҳозирги ўзбек шеъриятида хронотоп поэтикаси: Филол.фан.фалс.д-ри ...дисс. – Самарқанд, 2020. – 152 б.; Қурбонова Н. Нореал ҳаёт тасвирида образ ва хронотоп (Данте Алигьери ва Абдулла Орипов ижоди мисолида): Филол.фан.фалс.д-ри ...дисс. – Бухоро, 2020. – 141 б.

воқеалар тасвирида хронотопнинг ифода усуллари – ретроспекция, проспекция ва ретардациядан ёзувчиларнинг фойдаланиш маҳорати; эса олиш, туш, пейзаж, портрет орқали ифода усулларининг қоришуви натижасида асар сюжет чизиқларининг замонлараро ҳаракатини таҳлил қилиш;

систем-структур таҳлил орқали сюжет ва композиция унсурларининг хронотопни ифодалашдаги ўрнини изоҳлаш ва романлар сарлавҳаси айнан бадиий замон ёки бадиий макон маъносини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Чингиз Айтматовнинг «Асрни қаритган кун», «Қиёмат», «Қулаётган тоғлар», «Кассандра тамғаси» ҳамда Нормурод Норқобиловнинг «Дашту далаларда», «Қорақуюн», шунингдек, Ўткир Ҳошимовнинг «Икки эшик ораси», Улуғбек Ҳамдамнинг «Исён ва итоат», Исажон Султоннинг «Боқий дарбадар» романлари танланган.

Тадқиқотнинг предметини замонавий романчиликда хронотоп поэтикасининг қиёсий типологияси ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида қиёсий-типологик, психологик, таснифлаш, тавсифлаш, систем-структур, мифологик, лингвопоэтик таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

хронотопнинг адабий-эстетик категория сифатидаги назарий-концептуал мақоми, унинг шакллари (тарихий, хроникавий-маиший, авантюра ёки саргузашт, мистик, фантастик, идиллия, мифологик, биографик, абадият (эсхатологик), тақвим, реал), турлари (лирик, эпик, драматик), категориялари (ўтмиш, ҳозир, келажак) ҳамда усуллари (ретроспекция, проспекция, ретардация)дан иборат яхлит тизим эканлиги исботланган;

парабола-романнинг жанрий хусусиятлари тадқиқот объекти мисолида таҳлил қилиниб, ижодкорларнинг воқеаларни бадиий-эстетик жиҳатдан асослаш учун асосий сюжет чизиғига параллел – аналитик ва синтезлашган фольклоризмларни қўллаш маҳоратидаги индивидуал (ривоят ва миф негизида сюжет яратиш) ва муштарак (мақол, матал ва халқ қўшиқларининг романда қўлланилиши) хусусиятлари далилланган;

инсон ва жонзот руҳий оламидаги эврилишлар микрохронотоп, ижтимоий-тарихий шароитнинг қаҳрамон тақдири ва феъл-атвориға таъсири макрохронотоп, технократлашаётган олам фожиалари, илмий кашфиётларни Яратган иродасига қарши қўллашнинг ҳалокатли оқибатлари мегахронотоп асосида ифодаланиши сюжет, композиция, мотив, образ, детал, услуб сингари поэтик компонентларнинг семантик-структурал муносабати доирасида аниқланган;

замонавий романларда ҳаёт ҳақиқатини бадиий ҳақиқатга айлантиришда ўтмишга мурожаат, ўтган воқеалар ва кечинмалар таҳлили – ретроспекция; келажакка назар, мўлжалланган хатти-ҳаракатлар ва воқеа-ҳодисаларнинг намоёни – проспекциянинг роман бадиий майдонини кенгайтиришдаги вазифаси изоҳланиб, романлар хронотопининг умумконцептуал сатҳида ретроспекция усулининг устунлиги исботланган;

ёзувчиларнинг қаҳрамон яратиш маҳорати, умумлаштириш ва типиклаштириш хусусиятлари, қаҳрамон ва жамият диалектикаси; пейзаж, портрет, нутқ, ички монолог, галлюцинация, туш каби руҳий таҳлил воситалари асосида замонавий романлар бадиий эстетикасининг семиотик воқеланиши далилланган;

эпик асарларга хос композицион усул – ретардациядан фойдаланишда адиблар услубидаги индивидуаллик ва универсаллик аниқланиб, лирик чекиниш, киритма воқеалар, ривоят, эпиграф, муфассал портрет, персонаж характеристикасини беришда ижодкорлар услубига хос муштараклик – персонажнинг ўтмиши ҳақида ҳикоя қилиш, пейзажнинг параллел ва контраст тасвири каби композицион воситаларнинг бирламчи характерга эга эканлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

замонавий романлар хронотопини ўрганиш бўйича ўзбек адабиётшунослиги учун методологик асос аниқланган;

замонавий роман поэтикаси, хронотоп назарияси ва яхлит тизими, ёзувчининг ижодий-индивидуал услуби ҳамда эпик маҳорати хусусиятларини таҳлил этиш имкониятлари кенгайтирилган;

хронотоп тадқиқи асосида замонавий романларда фалсафанинг замон ва макон категориясини бадиий замон ва бадиий макон фалсафасига айлантириш маҳорати ёритилган;

Мазкур диссертацияда эришилган натижалар ва хулосалардан хронотоп назариясини батафсил ўрганишда, шунингдек, адабиёт назарияси ва қиёсий адабиётшуносликка оид дарслик ва ўқув-услубий қўлланмалар яратишда, адиблар ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ тадқиқотларни бажаришда амалий аҳамиятга эга эканлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги объектга ёндашув ва қўлланилган усулларнинг тадқиқот мақсадига мослиги, назарий маълумотларнинг илмий манбаларга асосланганлиги, танланган замонавий романларнинг тадқиқот предметига мувофиқлиги, назарий фикр ва хулосалар қиёсий-типологик, психологик, таснифлаш, тавсифлаш, систем-структур, мифологик, лингвопоэтик таҳлил методлари воситасида чиқарилгани, назарий қарашлар ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти чиқарилган хулосалар замонавий роман поэтикаси, хронотоп назарияси, хронотопнинг асар структураси, сюжет ва композициясини уюштириши, эпик матн майдонини шакллантириши; парабола-романда сюжет чизиқлари ёндош хронотопни юзага келтириши; реал, ижтимоий, миллий, фольклор, фантастик, туш, хотиралар хронотопи муайян кадриятлар тизими сифатида олам тасвирини қайта яратиш, асарнинг хронотоп тузилмасида сюжетни ташкил этиш, характер яратиш, ҳикоя қилиш вазифаларини бажаришда муҳим аҳамият касб этишига доир илмий-назарий муаммоларни ўрганиш имконини бериши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти хронотоп поэтикаси ва унинг назарий хусусиятларини аниқлашда манба вазифасини бажара олиши ҳамда унинг хулосаларидан «Ўзбек адабиёти», «Қиёсий адабиётшунослик», «Адабиёт назарияси», «Адабий алоқалар», «Адабий-бадий таҳлил методлари» фанларини ва махсус курсларни ўқитишда ҳамда ўқув кўлланмалари, дарслик, мажмуа, луғатлар яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Замонавий романчиликда хронотоп поэтикасининг қиёсий-типологик тадқиқи юзасидан олинган илмий натижалар асосида:

замонавий романлар хронотопининг муаллифлар ижодий нияти ва асарлар ғоявий-эстетик концепцияларидан келиб чиқувчи ўзига хос шакллари, турлари ва ифода усулларининг ижодий-индивидуал ҳамда қиёсий-типологик синтезига оид хулосалардан Тошкентдаги АҚШ Элчихонаси томонидан молиялаштирилган SUZ80021IN3103 рақамли лойиҳада фойдаланилган (Бухоро давлат университетининг 2022 йил 15 июндаги №05-01-0941-сон маълумотномаси). Натижада қирғиз адиби Чингиз Айтматов ва ўзбек романнавислари – Ўткир Ҳошимов, Нормурод Норқобилов, Исажон Султон, Улуғбек Ҳамдам услубидаги муштараклик ҳамда ўзига хослик қиёсланиб, ҳаётий ҳақиқатни бадий ҳақиқатга айлантириш маҳоратини таҳлил қилиш имконияти яратилган;

парабола-романнинг жанрий хусусиятлари, ижодкорларнинг воқеаларни бадий-эстетик жиҳатдан асослаш учун асосий сюжет чизигига параллел – аналитик ва синтезлашган фольклоризмларни кўллаш, яъни амебей композицияни яратиш маҳоратидаги индивидуаллик ва универсалликнинг систем-структур таҳлили билан боғлиқ натижалардан ФА-Ф1-005 «Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослигини тадқиқ этиш» мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2022 йил 16 майдаги №17.01.137-сон маълумотномаси). Натижада замонавий романчиликда фольклорнинг эртак, афсона, ривоят, кўшиқ каби жанрларини ёхуд уларга хос айрим мотив ҳамда образларни стилизация қилиш асосида сюжет яратиш, фольклор аънаналаридан ижодий фойдаланиш тамойиллари хусусидаги мулоҳазалар бойитилган;

замонавий роман поэтикаси, хронотоп назарияси ва яхлит тизими, Чингиз Айтматов ва замонавий ўзбек романнависларининг фалсафанинг замон-макон категориясини бадий замон ва бадий макон адабий-эстетик ҳодисасига айлантириш маҳорати билан боғлиқ хулоса ва умумлашмалардан 2021–2023 йилларда амалга оширилиши мўлжалланган Ф3-201912258 рақамли «Ўзбек адабиётининг кўп тилли (ўзбек, рус, инглиз тилларида) электрон платформасини яратиш» мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2022 йил 5 июлдаги №04/1-2243-сон маълумотномаси). Натижада ижодкорларнинг олам тасвирини бадий

хронотоп орқали қайта яратиш маҳоратига доир илмий-назарий қарашлар лойиҳа мазмун-моҳиятини бойитган;

эпик асарларга хос композицион усул – ретардациядан фойдаланишда адиблар услубидаги ўзига хослик, яъни Ч.Айтматов романларида лирик чекиниш, киритма воқеалар, ривоят, эпиграф; Н.Норқобилов романларида муфассал портрет, персонаж характеристикасини бериш ҳамда ҳар икки ижодкор услубига хос муштараклик – персонажнинг ўтмиши ҳақида ҳикоя қилиш, пейзажнинг параллел ва контраст тасвири каби композицион воситалар қўлланилиши хусусидаги хулосалардан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг ёшлар ўртасида китобхонлик танловларини ўтказиш чоратadbирларини амалга оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2022 йил 17 июндаги №01-03/807-сон маълумотномаси). Натижада ёзувчиларнинг ретардациядан фойдаланиш маҳорати тўғрисидаги илмий-назарий хулосалар ёш ёзувчиларнинг ижод, адабиёт ва ҳаёт ҳақидаги тасаввурларини кенгайтирган;

фалсафий-дидактик муаммолар, ижтимоий-тарихий шароитнинг қаҳрамон тақдири ва феъл-атворида таъсирини теран бадиий тадқиқ этиш, қаҳрамоннинг руҳий олами, орзу-армонлари ижтимоий асосга эгаллиги ва буларни ижтимоий-психологик жиҳатдан асослашга интилиш ёзувчининг ижодий нияти замирида мега, макро ҳамда микрохронотоп орқали очиб берилишига оид хулосалардан Бухоро вилояти ҳокимлиги томонидан академик Тўра Мирзаев номидаги ахборот-кутубхона марказида ёшлар ўртасида беш босқичдан иборат «Беш ташаббус олимпиадаси» доирасида «Зукко китобхон» тадбирини ўтказишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бухоро вилояти ҳокимлиги аппаратининг 2022 йил 9 июндаги №11/3605-сон маълумотномаси). Натижада тўртинчи ташаббусда кўрсатилган ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этишга йўналтирилган вазифалар муайян даражада амалга оширишга эришилган;

ёзувчиларнинг қаҳрамон яратиш маҳорати, умумлаштириш ва типиклаштириш хусусиятлари, қаҳрамон ва жамият диалектикаси; пейзаж, портрет, нутқ, ички монолог, галлюцинация, туш каби руҳий таҳлил воситалари асосида Ч.Айтматов асарларининг таҳлиliga доир хулосалардан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси томонидан Чингиз Айтматовнинг «Жамила» қиссаси таҳлиliga бағишланган «Биргаликда ўқиймиз» кўрсатувида фойдаланилган (O'zbekiston Milliy teleradiokompaniyasi «Madaniyat va ma'rifat» telekanali давлат муассасасининг 2022 йил 8 июндаги №01-02-03/107-сон маълумотномаси). Натижада телетомошабинларнинг буюк қирғиз адиби Чингиз Айтматовнинг ижодий мероси, асарларида илгари сурилган умуминсоний қарашлар бўйича хулосаларини бойитишда муҳим аҳамият касб этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 8 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида қилинган маърузаларда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 41 та илмий иш нашр этилган, шулардан, 1 та ўқув қўлланма, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола: 9 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, ишнинг умумий ҳажми 285 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, ишнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, илмий янгилиги, амалий натижалари баён этилган. Тадқиқот давомида олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти кўрсатилган. Мавзунинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот усуллари ёритилган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Бадий хронотоп поэтикасининг назарий муаммолари**» деб номланган. Боб уч фаслдан иборат. «*Бадий замон тушунчасининг назарий асослари*» номли биринчи фаслда ёзувчиларнинг ижодий-эстетик ниятига сафарбар хронотопнинг шакллари, категориялари, турлари ва усуллари ҳамда уларнинг замонавий романлар ғоявий концепциясидаги аҳамияти назарий жиҳатдан тадқиқ қилинган.

Инсоният маданий онгида замон тўғрисида уч хил тасаввур шаклланган: *туркумли (цикли), тўғри чизиқли ва ҳалқали*. «Адабий-бадий хронотопда замон ва макон белгилари англандан ва аниқ яхлитликда уйғунлашуви кўзга ташланади. Бунда замон тифизлашади, зичлашади, бадий сезиларли бўлади, макон эса замон, сюжет, тарих ҳаракатларига интенсивлашади, тортилади. Замоннинг кўриниш белги-аломатлари маконда намоён бўлади, макон эса замон орқали англанади ва ўлчанади»¹³, – дея эътироф этади М.М.Бахтин.

Бадий сўз устаси ижодий ниятидан келиб чиққан ҳолда, замон ва маконни адабий янгича кашф қилиш, уларни истаганча эркин танлаш, бир кунга асрларни, асрга эса бир кунни сиғдиришдек бадий замон ҳамда бадий макондан ижодий эркин фойдаланиш маҳоратини намоён қилади. Бадий олам унинг ўзида тасвирини топган реал воқелик каби замон ва маконда мавжуд бўлади. «Образ, албатта, шундай маънода берилганки, – деб таъкидлайди Н.К. Гей, – унинг исталган ҳар қандай мазмуни ким биландир боғланган, қаердадир ва қачонлардир содир бўлганлигини чамалайди. Бу ёзувчи учун зарур бўлган уч бошланғич миқдор – бадий оламнинг уч

¹³ Бахтин М.М. Вопросы литературы и эстетики. – М.: “Худож. лит.», 1975. – С.234-235.

ўлчовидир... Мазкур ўзгармас сон-миқдорларсиз образ ўзини намоён қила олмайди»¹⁴.

Бадиий замон, тор маънода, воқеа ва ҳодисаларнинг замон билан боғлиқ кетма-кетлиги, тўплами ва жадаллигини ифодаловчи композиция унсурларидан бири, шунингдек, асардаги бадиий образларни тавсифловчи ва муаллифнинг дунё тузилиши ҳақидаги тасавури, дунёқараши, оламни қай даражада идрок қилишини акс эттирувчи бадиий асардаги ҳикоя қилиш суръатидир. Кенг маънода бадиий замон – биринчидан, бадиий асардаги воқеликнинг давомийлигидир. Бу замон оралиги «у ёки бу даврда исталган доирадаги инсонларнинг ҳаёт тарзини ифодалаб берувчи» аниқ бир ижтимоий-тарихий ҳодисаларнинг юз бериш замонидир¹⁵. Иккинчидан, бадиий замон – қаҳрамонлар ҳаётининг реал, маиший, биографик замони, унинг давомийлиги ва кўлами. Учинчидан, ҳикоя қилиш, яъни юз бераётган воқеалар ҳақида сўзлаб бериш замонидир¹⁶. Бадиий замоннинг дастлабки икки унсури сюжет замони, учинчиси эса ҳикоя қилиш аппарати билан боғлиқ замон ҳисобланади. Адабиётда бадиий замон бадиий матннинг тури ва жанри, муаллиф дунёқараши, муаллиф услуби ҳамда асарда тасвирланган замоннинг китобхон томонидан образли таҳлили (интерпретацияси) каби аспектлар асосида ифодаланади¹⁷. Адабиётда бадиий замон – *сўз санъатида турли хилда намоён бўлган, ижодий-эстетик ўзлаштирилган замон тизимидир*. Бошқача айтганда, бадиий замон бадиий моделлаштириш воситаси сифатида *бевосита бадиий оламнинг «тўртламчи координати» замони бўлиб, у адабий қаҳрамоннинг ва тасвир субъектининг борлиги* ҳисобланади.

Бадиий замон, уни ижодий моделлаштириш асарнинг жанрий хусусиятига, адабий усулига, муаллиф тасаввур-тушунчаларига, шунингдек, мазкур асар қайси адабий оқим ва йўналишлар силсиласида яратилганига ҳам боғлиқ. Шу сабаб бадиий замон тизими – шакллари, турлари, категориялари ва усуллари ҳам муаллифнинг ижодий-ғоявий ниятидан келиб чиққан ҳолда, ўзгарувчанлиги ҳамда хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Ҳодисалар ва материя ҳолатининг узлуксиз ўзгариш шакли бўлмиш замоннинг нисбатини *феълнинг ўтган замон, ҳозирги замон* ҳамда *келаси замонлардан иборат грамматик категориялари* ўрнатади. Ҳар қандай бадиий асарнинг, қайси адабий тур ёхуд жанрда бўлмасин, бадиий-поэтик тўқимаси бадиий замон категорияларининг у ёхуд бу тарздаги мураккаб қоришмасидан иборат бўлади.

Адабий турлардан келиб чиқиб, бадиий замон ҳам лирик, драматик ва эпик замондан иборат. Сўз санъатининг ҳар хил тур ва жанрларида замоннинг турлича кечишига асосланади. *Лирик замон* лирик ва лиро-эпик жанрлар замон поэтикаси асосини ташкил этади. *Драматик замон* драманинг театр сахнаси учун мўлжалланганлиги, замон томошабин кўз ўнгида сахна иштирокчилари – образлар ўртасидаги диалогда «кечувчи» театр замонидан иборатлиги билан

¹⁴ Гей Н.К. Искусство слово. – М.: Наука, 1967. – С.239.

¹⁵Эсалнек А.Я. Хронотоп в эпическом произведении // Основы литературоведения. Анализ художественного произведения: Практикум. – М.: Флинта: «Наука», 2003. – С. 110-119.

¹⁶Павельева А.К. Концепции, формы и свойства художественного времени в литературном произведении. – С. 133-148. <http://journals.hnpu.edu>.

¹⁷Panasenko N. Interrelations between Literary Time and Space in Prosaic Texts://www.pulib.sk/elpub2

боғлиқ. Эпик жанрга мансуб асарларда *эпик замон* кўп қатламли, зич-тиғиз (ўнлаб йилларни реал замоннинг санокли кунларига сиғдириш) ва мураккаб бўлади. Бадиий замон қуйидаги композицион усуллар орқали намоён бўлади: *замоннинг ортга қайтиши* (ретроспекция¹⁸), келажакка йўналганлиги (проспекция¹⁹) ва секинлашиши (ретардация²⁰) ҳар қандай асар бадиий замони характери, моҳиятини англатади.

«Бадиий макон концепциясининг структур моҳияти» номли иккинчи фаслида бадиий макон тасвири воқеаларнинг моҳиятини ва уларнинг мантиқий кетма-кетлигини таъминлаши, ёзувчининг объектив ва субъектив ёндашуви асосида яратилиши, объективлик асосида асарда ифода этган макон тасвири табиий географик ҳудуд, жойни англатса, субъективлик бадиий маконни қаҳрамон руҳий оламида рўй берган ҳолатлар билан уйғунлаштириши таҳлил қилинган. Макон категориясининг концептуал келиб чиқиши қадимги юнон фалсафасига дахлдор. Макон – одамларни атроф-муҳитдан муайян даражада ажратиб турувчи ва унда уларнинг ҳаракатларини давом эттириш учун қулай бўлган жой тарзида талқин қилинади. Аристотелнинг фикрича, маконда ўрин алмашинув ҳаракат ўзгаришининг асосий тури бўлиб, қолган барча турларнинг шарти ҳисобланади. Маконда ўрин алмашинув тўғри чизиқли ва айланма, узлукли ва узлуксиз, тенг ва тенгсиз ҳаракат бўлиши мумкин²¹. Арасту мезони бўйича бадиий макон хусусиятлари таҳлил қилинса, бадиий асарда макон алмашинуви файласуф изоҳлаганидек кечади.

Бадиий макон деганда фақат асар воқеалари кечадиган жой маъноси тушунилмайди. Замонавий тадқиқотларда ёзувчиларнинг оламни ўзига хос услубда тасвирлашлари, ҳаётини ҳақиқатни бадиий ҳақиқатга айлантириш усуллари, тасвирланаётган воқеаларга, асар персонажларига муносабатлари ички хронотоп сифатида талқин қилинмоқда. «Ҳаётнинг бадиий тасвири ҳар доим мавжуд «мен» (қаҳрамон)нинг ички хронотопи билан мураккаблашади»²². Ташқи хронотоп асарда борлиқнинг кичрайтирилган моделини англатса, ички хронотоп кўнгил аталмиш нодир хилқатнинг ноёблиги ва қалб сарҳадларининг чексизлигини ифодалайди. Ички макон, яъни персонажнинг руҳий оламида ҳам турли эврилишлар узлуксиз, айланма ва тенгсиз ҳолатда бўй кўрсатиб, ҳаётнинг барча қарама-қаршиликлари ва зиддиятларини қандай бўлса, ўз ҳолича кўрсатишда ёзувчига имкон яратади. Ёзувчи мега, макро ва микрохронотопнинг ҳаёт дея аталмиш бепоён уммондан ўзи танлаган қисмларини олади ва улардан янги дунёлар яратади.

¹⁸ Ретроспекция (лот. *retro* – тескари, орқа + *spectare* – қараш) – ўтмишга мурожаат, ўтган воқеалар ва кечинмалар таҳлили.

¹⁹ Проспекция – (лот. *pro* – келажакка назар + *spectare* – қараш) – мўлжалланган хатти-ҳаракатлар ва воқеа-ходисалар намоёни.

²⁰ Ретардация (лот. *retardation* – секинлаштириш, тутиб туриш) – сюжет воқеаларини секинлаштириш.

²¹ Ёулдошев С. ва бошқ. Қадимги ва ўрта аср Фарбий Европа фалсафаси. – Т.: «Шарк», 2003. – Б.81.

²² Тамарченко Н.Д., Тюпа В.И., Бройтман С.Н. Теория литературы. В двух томах. Том 1. Теория художественного дискурса. Теоретическая поэтика: Учебное пособие. – М.: Издательский центр «Академия», 2004. – С.42.

Диссертацияда номлари келтирилган илмий-назарий адабиётлар шарҳи асосида маконнинг қуйидаги турларини ажратдик:²³ горизонтал, вертикал, ички ва ёпик, ташқи ёки очик, динамик, турғун, цивилизация макони

Учинчи фасл «Хронотопнинг бадиий-функционал хусусиятлари» деб номланиб, реал, ижтимоий, миллий, фольклор, фантастик, туш, хотиралар хронотопининг асарнинг хронотоп тузилмасида муайян бадиий-эстетик функция бажариши хусусида фикр юритилган. Хронотоп олам ва одам муносабатларини тасвирлашда, қаҳрамон қалбидаги кечинма, изтироб, унинг ўзигагина тегишли руҳият манзараларининг энг чуқур ўзанларини тўлиқ ҳис қилишда, ёзувчининг бадиий-ғоявий мақсадини ифодалашда ҳамда асарнинг мазмун ва шаклини очишда хизмат қилади. У ижодкор услубининг ўзига хос жиҳатларини белгилаб, миллий фикрлаш тарзини акс эттиради. Хронотоп жанр ва сюжетни ташкил этиб, асарнинг ички изчиллигини мустаҳкамлайди. Замон ва маконни ифодалашнинг чексиз усуллари мавжуд, аммо тарихий ва маданий таҳлил натижаларини умумлаштириш орқали олимлар турлича таснифларни ишлаб чиқишган. Юқоридаги назарий фикрларга таянган ҳолда хронотоп шакллари қуйидагича тасниф қилинди. «1.1-жадвалга қаранг».

1.1-жадвал

Хронотоп шакллари

| Т/р | Хронотопнинг таснифий характери | Хронотоп шакллари |
|-----|---|--|
| 1. | Оғзаки ва ёзма адабий тур ва жанрлар тақозосига кўра | Фольклор, мифологик, лирик, эпик, драматик, фантастик, |
| 2. | Қўлланилиш ҳолатига кўра | Анъанавий, параллел, синкретик |
| 3. | Астрономик ва тарихий ҳақиқатга кўра | Реал, тарихий |
| 4. | Миллий менталитетга кўра | Миллий, ижтимоий, маданий-тарихий |
| 5. | Ёзувчи ёки қаҳрамон ҳаёт йўлининг ёритилишига кўра | Биографик, автобиографик |
| 6. | Инсоннинг моҳияти, унинг ички оламини тушуниш ва борлик билан муносабатига кўра | Мегахронотоп, макрохронотоп, микрохронотоп |
| 7. | Бадиий психологизмга кўра | Психологик, биологик, туш |
| 8. | Макон номи билан боғлиқ хронотоплар | Йўл, денгиз, сахро, ўрмон, тоғ, ғор, шаҳар, кўча, сарой, қалъа, меҳмонхона, остона, чоҳ, ғор |
| 9. | Аниқ ва мавҳумлик даражасига кўра | Топографик ва метафизик |
| 10. | Хронотопнинг очик ва ёпиклик ҳолатига кўра | Очик ва ёпик |

Хронотопнинг юқоридаги шакллари тадқиқот объекти ҳисобланган романларда кузатиш орқали реал, ижтимоий, миллий, фольклор, фантастик, туш, хотиралар хронотопининг мавжудлиги аниқланди.

²³ Никитина И.П. Художественное пространство как предмет философско-эстетического анализа: Дис. ...д-ра филос. наук. Москва, 2003 286 с.; Леонова Н.Е. Семантика художественного пространства в произведениях Джона Стейнбека: Дис. ... канд. филол. наук. – Москва, 2004 181 с.; Коваленко Ю.Д. Когнитивная категория художественного пространства и её репрезентация в романе М.А. Булгакова “Белая гвардия”: Дис. ... канд. филол. наук. – Омск, 2002. – 188 с.; Кочеткова М.А. Художественное пространство в рассказах И.А. Бунина 1890-х-1910-х гг. и в повестях “Деревня” и “Суходол”: Дис. ... канд. филол. наук. – Ульяновск, 2005. 183 с.

Диссертациянинг иккинчи боби «Параллел хронотоп ва ёзувчи концепцияси» деб номланган. Боб уч фаслдан иборат. «Парабола-романда параллел хронотопнинг бадиий-эстетик хусусиятлари» номли биринчи фаслда парабола-романларда ёзувчининг ижодий ниятига мувофиқ асосий сюжет чизиғига ёндош ҳолда асарда бадиий модели яратилган даврнинг ижтимоий, маънавий ҳолатини ифодалаш мақсадида мураккаб фольклоризмлардан фойдаланилиши, романда дoston, эртақ, афсона, ривоят ва мифларнинг бадиий-эстетик имкониятини жалб этиш орқали сюжет, образ ҳамда мотив стилизацияси юзага келиши, ёзувчи айризамон ва айримаконда рўй берган воқеалар асосида парабола-романнинг поэтик имкониятларини кенгайтириш ва янги эстетик қирраларини очишга муваффақ бўлиши ҳақида фикр юритилади. Парабола (parable юн. – масал, таққослаш, кўшиб кўйиш, ўхшашлик, яқинлаштириш) – эгри чизиқ бўйлаб ҳаракатланадиган махсус баён шаклига эга дидактик характердаги қисқа ҳикоя (ривоят, афсона); мавзу ва ғоясига кўра аста-секин асосий мавзуга яқинлашади, аммо кейин яна ўз йўналиши асосида ҳаракатланади. Ч.Айтматов, Н.Норқобилов, У.Ҳамдам ижодида бегоналашиш фожиасининг серқирра тасвирини учратамиз. Отасининг кулоқ қилингани туфайли доимий тазйиққа учраган, ўша давр ижтимоий шароити тақозосидан ака-укалари турли томонларга тарқаб, ўзи ҳам олти йил Самарқанд яқинидаги Мирзачўлда ишлаб, Бешёғочга қайтолмай, Сариўзакда муқимлашган Казангап, «Жанубий Бавариядаги концлагердан қочиб чиқиб, қирқ учинчи йили Югославия партизанлари сафига келиб кўшилган»²⁴, аммо ватан хоини тамғасидан ҳаттоки йироқ Сариўзакка келиб ҳам кутулолмаган Абутолиб; Худо-Замондош ғояси учун диний семинариядан қувилган, даъватлари Гришан ва Оберлар томонидан кескин рад этилган Авдий Каллистратов; ўзи ва илмий кашфиёти бутун инсоният томонидан инкор қилинган Андрей Крильцов – самовий роҳиб Филофей (Чингиз Айтматов персонажлари); халқ подасини сақлаб қолиш мақсадида бутун умрини даштда ўтказган Эшқул полвон, Итолмасдан ўч олиш туйғуси қалбини ўртаган ва ёлғиз ўзи Қушқўнмасни макон тутган Эрман (Нормурод Норқобилов қахрамонлари); грипнинг давосини топиш учун ДНК устида тадқиқот олиб борган, одамлар дардига малҳам излаган, лекин «нафақат тажрибаларига, айна пайтда тадқиқотчи-ходим, энг муҳими, фуқаро сифатидаги фаолиятига нуқта қўйилган»²⁵ Комил табиб, биргина тарсаки туфайли ҳаёти алғов-далғов бўлган, натижада жамиятга нисбатан исён ўтида жони қоврулган Акбарнинг жамиятдан бегоналашиши (Улуғбек Ҳамдам образлари), ижтимоий зиддиятларнинг характерларга таъсири синкретик форма асосида моҳирона тасвирланган. Бегоналашиш мавзуси ифодаланган парабола-романларда адиблар нафақат инсонни жамиятдан ажралишга олиб келган ижтимоий муаммоларга, балки персонажларнинг ички дунёсига, уларнинг номаълум ва сирли «мен»и қаърига кириб боришга ҳаракат қилишади. Ч.Айтматов, Ў.Ҳошимов, Н.Норқобилов, У.Ҳамдам, И.Султоннинг

²⁴ Айтматов Ч. Асрни қаритган кун: (Чингизхоннинг оқ булут, Тангрига тавалло): роман. /Рус тилидан Асил Рашидов ва Иброҳим Ғафуров таржимаси. – Т.: «Sharq», 2019. – Б.95.

²⁵ Ҳамдам У. Исён ва итоат: роман. –Т.: «Янги аср авлоди», 2003. – Б.37.

ўзига хос бадий маҳоратлари шундаки, уларнинг романлари амебей композиция ва хроникали сюжет асосида яратилган. Амебей композиция – (gr. amidaios – ўзаро) – бадий асарнинг параллелизмга, асосий қисмлари ёки образларининг такрорланишига асосланган қурилиши²⁶.

Таҳлилимиздаги романларда хронотопнинг учала шакли ҳам мавжуд бўлиб, «Асрни қаритган кун», «Икки эшик ораси», «Қорақуюн», «Исён ва итоат» романларида анъанавий ва параллел хронотоп, «Қиёмат», «Қулаётган тоғлар», «Дашту далаларда» романларида синкретик хронотопнинг поэтик хусусиятлари устуворлик касб этади.

«Микро, макро ва мегахронотоп параллел тасвирини яратишда ёзувчилар маҳорати» номли иккинчи фаслида «Асрни қаритган кун», «Кассандра тамғаси» ва «Боқий дарбадар» романларида технократлашаётган олам фожиалари, илмий кашфиётларни Яратган иродасига қарши қўллашнинг ҳалокатли оқибатлари мегахронотоп; «Қиёмат», «Дашту далаларда» романларида инсоннинг жамият ва табиат мувозанатининг бузилиши макрохронотоп; «Қулаётган тоғлар», «Қорақуюн» романларидаги инсон ва жонзот руҳий оламидаги эврилишлар микрохронотоп асосида тасвирланган. Ҳар бир романда микро ва макрохронотоп ёндошлиги кузатилса, аммо санокли романларда мегахронотоп ёзувчининг ижодий ниятига мувофиқ қўлланилиб, заминий ва самовий воқеалар параллелик касб этиши таҳлил қилинган. Ч.Айтматов, И.Султон романларида микро, макро ва мегахронотоп; Ў.Ҳошимов, Н.Норқобилов ва У.Ҳамдам романларида микро ва макрохронотоп параллел қўлланилган. Коинот ичра кичик коинот бўлмиш инсон руҳий кечинмалари (микрохронотоп), даврнинг ўткир зиддиятлари (макрохронотоп), коинот кенглигида инсон ва жамият муаммолари (мегахронотоп) негизида тасвирлашган. Микрохронотоп ва макрохронотоп параллелиги таҳлилимиздаги барча романлар муаллифи услубида кузатилса, мега, макро, микрохронотоп ёндошлиги Ч.Айтматов ва И.Султон услубида намоён бўлади.

Учинчи фасл «Инсон ва жонзот микрохронотопида параллелизм» тарзида номланган. «Асрни қаритган кун» романида Эдигей Бўрон қалбидаги дард Қоранор туя, «Қиёмат» романида Бўстон ва Гулимхоннинг фарзандидан айрилиш изтироби Тошчайнар ҳамда Акбара, Арсен Саманчин руҳий мувозанатининг бузилиши Жаабарс образлари орқали таъсирли ва ишонарли тасвирланган. «Дашту далаларда» романида Эшқул полвон ва Бўзбўри, Тўланбой ва Қорақулоқ, «Қорақуюн» романида Эрман – Қорақуюн микрохронотопи ёндош қўлланган. Ч.Айтматов жонзотлари сингари Н.Норқобиловнинг жонзотлари фаол эмас, улар воқелик меҳварида турмайди. Бўзбўрининг хусусиятлари Эшқул полвон ўй-хаёлларида, Қорақулоқнинг хатти-ҳаракатлари Тўланбойнинг зимдан кузатуви орқали аёнлашади. Қорақуюннинг ғулда азобланиш тасвирлари Эрманнинг чоҳдаги ҳаётини, тутқунликдаги азобини теран идрок қилиш имконини берган.

²⁶ Словарь литературоведческих терминов. Редакторы-составители: Л.И. Тимофеев и С.В. Тураев. – М.: Просвещение, 1974. – 509 с.// <http://litena.ru/literaturovedenie/item/f00/s00/e0000021/index.shtml>

«Қулаётган тоғлар» («Абадий қаллик») романида Арсен, Элес, Ойдана, Мангу қайлик, Жаабарс микрохронотопининг моҳияти айрилиқ, севги, хиёнат, тарк этилиш, изтироб мотивларида аёнлашади. Арсен – Жаабарс тарк этилиш ва хиёнат қурбонига айланиш; Арсен ва Элес севги; Элес ва Мангу қайлик айрилиқ ҳамда изтироб; Ойдана ва барсойим руҳияти манзаралари хиёнат мотивлари орқали янада теранлашади.

Ғулдаги ит ва чоҳдаги инсон руҳияти параллелизми ўткир психологизм орқали ёндош ифодаланган. Аслида ит – Эрманнинг Итолмасга нисбатан нафратининг моддияти. Қорақуюн тол оғочли ғулдаги бу жониворнинг зоти ва номи ит бўлса-да, аслида арслон янглиғ қаҳрли бир махлук, балойи азим, дея таърифланади. Қорақуюннинг ғулда тўлғонишларини Эрман ҳис этар, бироқ жониворнинг ботинида юз бераётган эврилишларни англаб етмоққа ожиз эди. Адиб маҳорати шундаки, ҳар иккисининг руҳиятидаги тутқунлик азоби ўзига хос йўсинда ифода этилган.

Ижтимоий муаммолар, қарама-қарши кучларнинг зиддияти, ҳар қандай замон ва маконларда қабоҳатни қуритмоқчи бўлганларнинг аянчли тақдири макрохронотоп; характерлар руҳиятининг барча қирраларини аниқлаш, кечинмалар орқали ҳаётнинг турли муаммоларини акс эттириш, персонажлар руҳий оламини ўтмиш билан боғлаш каби адабий-эстетик вазифани микрохронотоп бажаради.

«Хронотоп шакллари ва ифода усуллариининг поэтикаси» номли учинчи боб уч фаслга бўлинган. *«Хронотоп шакллари олам тасвирини қайта яратиш воситаси сифатида»* деб ном олган биринчи фаслда хронотоп шакллариининг синтези ёзувчининг инсон – жамият – табиат триадасини бадиий идрок этиш, улар ҳақидаги ҳукми бадиий концепция тарзида шакллантиришдаги муҳим аҳамияти изоҳланган.

«Асрни қаритган кун», «Дашту далаларда» романларида собиқ шўро давридаги мафкуравий қатағоннинг фожиалари; миллий қадриятлар ва инсон кадр-қимматининг топталиши, мустабид тузумнинг инсоният тарихида мисли кўрилмаган қатағон сиёсати ва қабиҳликлари бадиий акс эттирилган. Тансиқбоевнинг ички монологид асар ижтимоий хронотопи теранлашади: «Давлат бу вужуд, бу – тандир ва бу тандирнинг ўтини фақат битта – одамлар. Акс ҳолда тандир ўчади, совийди, кераги бўлмай қолади. Лекин ўша одамларнинг ўзлари давлатсиз яшолмайдилар. Ўзларини ўзлари ёқиб юборадилар. Гўлаҳлар эса тинмай ўтин етказиб туришлари керак. Ҳаммаси шу асосга қурилган»²⁷. Абутолиб Қуттибоев гўлаҳ Тансиқбоев қўлида ўтинга айланган эди. Ёзувчи ўша давр манзарасини қаҳрамонлари ҳаёти мисолида ишонарли ва ҳаққоний тасвирлай олган. Ваҳоланки, асарда акс этган замон билан ёзувчи замони жуда яқин бўлиб, бу воқеаларни муаллифнинг ўзи теран идрок этган, чунки адибнинг отаси Тўракул Айтматов ҳам Абутолиб сингари аччиқ қисматни бошидан кечирган. «Дашту далаларда» романида эса халқ манфаатини ўйлаган Эшқул полвон ҳукумат қарорига зид иш тутиб, подани

²⁷ Айтматов Ч. Асрни қаритган кун: (Чингизхоннинг оқ булути, Тангрига тавалло): роман. /Рус тилидан Асил Рашидов ва Иброҳим Ғафуров таржимаси. – Т.: «Sharq», 2019. – Б.273.

даштга ҳайдаб кетади ва шу ҳаракати орқали халқнинг мулкини давлатга топширилишини олдини олади. «– Ахир бу қандай турмушки, эмин-эркин тўртта мол қилолмасанг, суюниб-суюниб от минолмасанг! Падарига минг лаънат бундай турмушнинг! ...Икки-уч бошдан ортиқ мол қилинмасин эмиш, ортиқчасини давлатга топшир эмиш!»²⁸. Эшқул полвон халқ дардини ўзиники деб қабул қилиб, унга чора излайди ва подани даштга ҳайдаб кетади.

Ч.Айтматов ва Н.Норқобилов ижодида миллийлик ва умуминсонийлик диалектик бирликда акс этади. «Асрни қаритган кун» ва «Дашту далаларда» романларида миллий хронотоп тўй, таъзия маросимлари, қаллиқ олиб қочиш одати ҳамда каштачилик санъати билан боғлиқ тарзда ифодаланади.

«Асрни қаритган кун» романида «Найман она» ва «Чингизхоннинг оқ булути» ривоятлари нафақат Собитжон ва Тансиқбоевларнинг характер хусусиятини, балки ўша давр ижтимоий манзарасини, икки мустабиднинг босқини ва сиёсати айнан асар замонида ҳам барқарорлигини; Раймали оға ва Бегимой ривояти Эдигейнинг Зарифага нисбатан самимий муҳаббатини, «Қулаётган тоғлар» романида «Мангу қайлик» афсонаси Арсен ва Элеснинг аянчли севгисини тасвирлашда; «Қорақуюн» романида Донишота ривояти орқали инсонларнинг тубанликка, залолатга юз тутаётгани, ўз манфаати йўлида ҳеч қандай жамияту жамоани тан олмаслиги параллел хронотоп асосида ифодаланиб, романнинг поэтик имкониятларини кенгайтиришга, янги эстетик қирраларини очишга имкон яратган. Асарда Донишота образи тоғ руҳи сифатида гавдаланади. «Қулаётган тоғлар» романидаги овчи йигит ва қайлиғининг тоғда дарбадар кезган руҳида монандлик мавжуд. Ҳар икки романда тоғ руҳи образининг келтирилишидан аён бўладики, яқинларидан азият чеккан, жаҳолат қурбони бўлганларнинг руҳлари қўним топмайди, сарсон-саргардон кезиниб, дарду аламларини сўйлаб юришади. Таъкидлаш жоизки, ёзувчиларнинг зулм ва зўравонлик мазлумга аччиқ қисматни раво кўриши борасидаги ғоялари шу нуқтада туташади.

«Асрни қаритган кун», «Кассандра тамғаси» ва «Боқий дарбадар» романларида фалсафий-психологик-интеллектуал фантастика сифатида баҳоланган турбореализм асар замиридаги ижтимоий муаммоларни тахайюл кучи билан ифодалашга хизмат қилган. Ички монолог, портрет, пейзаж, қистирма эпизод каби руҳий таҳлил воситалари психологик хронотопни яратишда муҳим ўрин тутаяди. Рамзий маънода ички ва ташқи маконни туташтирувчи меҳвар кўз ҳисобланади. Ташқи олам ҳодисалари кўз орқали идрок қилиниб, ички оламда бу ҳолатларнинг қандай акс-садо бериши ҳам айнан кўзда намоён бўлади. Қаҳрамон руҳиятини кўз орқали ифодалашда адибларнинг ўзига хос услуби мавжуд. Хронотопнинг етти шакли, яъни реал, ижтимоий, миллий, фольклор, фантастик, туш, хотиралар хронотопи асарнинг хронотоп тузилмасида сюжетни ташкил этиш, олам тасвирини қайта яратиш, характер яратиш, ҳикоя қилиш вазифаларини бажаришда муҳим аҳамият касб этади.

²⁸ Норқобилов Н. Дашту далаларда: роман. –Т.: «Ўзбекистон», 2009. – Б.68.

Бобнинг иккинчи фасли «*Ретроспекция турларининг ижодий-эстетик моҳиятини ёритишда ёзувчилар услубидаги оригиналлик*» деб номланади. Бадиий сюжет ҳодисаси баробарида, энг аввало, шу сюжет қурилишининг асосий принципларидан бири сифатида ретроспекция ўтган ва ҳозирги замонларнинг жонли алоқасини кўрсатиш имконини берувчи адабий усулдир. Замонавий романларда ретроспекциянинг хотира, ҳикоя, ривоят, афсона, эпитаф шакллари мавжуд. *Ретроспекция–хотира*. Қаҳрамон ўтмишида рўй берган, онгига, шуурига сингиб кетган ҳодисаларни эслайди. «Асрни қаритган кун»да Эдигей Жонгелдин, «Қиёмат»да Авдий, «Кассандра тамғаси»да Андрей Крильцов, «Қулаётган тоғлар»да Арсен, «Қорқуюн»да Эрман, «Дашту далаларда» романида Эшкул полвоннинг хотиралари акс этган бўлиб, улар ўз ўтмишларини турли кайфиятда хотирлашади. Ретроспекция–хотиралар – қаҳрамоннинг ўтмиш ҳаёти хотирланиши, эса олинмиши асардаги воқеалар оқимини тўлдиришга, замон-макон (хронотоп)ини кенгайтиришга ёрдам берган. *Ретроспекция–ҳикоя*. Замонавий ўзбек романчилигида Ўткир Ҳошимовнинг услуби ҳайратланарли бўлиб, «Икки эшик ораси» романини ретроспекция–ҳикоя асосида яратган. Романда воқеалар ҳалқали замон шаклида тасвирланиб, ибтидою интиҳо нуқталарининг туташ ҳалқасидан иборат. Адибнинг маҳорати шундаки, бош қаҳрамон автобусга чиқиб, манзилга етгач, ундан тушишгача бўлган муддат оралиғида урушгача, уруш даври ва урушдан сўнгги воқеаларни сўғдира олган. Ўткир Ҳошимов романда Чингиз Айтматов услубидан фарқли равишда туркум сюжетни шакллантиради, воқеа ичида воқеа яратади. Асар ёши, дунёқараши, жинси турлича бўлган тўққиз нафар қаҳрамон ҳикоясини ўзида умумлаштирган, шунча миқдордаги сюжет чизиқларининг туташуви ва параллелигидан ташкил топган. Хронотопнинг рамзий ифодаси баъзи қаҳрамонларнинг портретида, воқеалар ривожини мобайнида «умр поғонасининг турли босқичларидан туриб, саргузаштларини баён этиши»да намоён бўлади. *Ретроспекция–ривоят*. Ёзувчилар асарларида шу куннинг долзарб ҳодисалари халқ оғзаки ижоди орқали етиб келган афсоналар, ривоятлар билан сингишиб, ажиб бир яхлитлик касб этади. «Асрни қаритган кун» романида «Найман она» Эдигей хотиралари орқали, «Раймали оға ва Бегимой» Оқмўйноқ бекатининг бошлиғи Эрлеспес оҳанглирида, «Чингизхоннинг оқ булутини» Абутолиб изтиробларида; «Қиёмат»да Исо Масиҳ билан боғлиқ диний ривоят Гришан тўдаси томонидан калтакланган ва поезддан улоқтирилган Авдийнинг галлюцинация натижасида сурган тизгинсиз хаёллари орқали ифодаланади. «Қорақуюн» романидаги Донишота ҳақидаги ривоятда инсонларнинг қилган амалларини синчковлик билан кузатиб турадиган, яхшиликка хайрихоҳ, ёвузликка қарши бўлган донишманд ота тимсоли гавдалантирилади. *Ретроспекция–афсона*. «Қулаётган тоғлар»даги «Мангу қайлик» афсонаси Арсен ва Ойдана, Арсен ва Элес муносабатларини янада ёрқинроқ англаш имконини беради. *Ретроспекция–эпитаф*. «Кассандра тамғаси» романида ёзувчи иккита эпитаф қўллади. Биринчиси ретроспектив, иккинчиси эса проспектив хусусиятга эга: «Қадимги юнон мифологиясидан олинган «Кассандра Апполон муҳаббатини рад қилгач, Апполон Кассандрани шундай дуойи бад

килдиги, унинг башоратларига ҳеч ким ишонмай қўйди»²⁹ эпиграфида рамзий маъно яширин. Айризамон ва айримаконда рўй берган афсона ва ривоятларнинг қаҳрамоннинг ҳозирги замони билан узвийлаштиришда адиблар ретроспекция усулидан унумли фойдаланган, ёзувчилар маҳорати параллел хронотопни юзага келтиради. Ретроспекциянинг хотира, ривоят, ҳикоя, эпиграф каби шакллари айнан қаҳрамон бошидан кечирганларини сўзлаб бериши ва ўтмишига мурожаат қилиши, муаллифнинг ҳикоячи-персонаж нигоҳи орқали воқеликка разм солиши, воқеаларнинг драматик ҳолатларини ўтмиш воқеалари билан асосланиши натижасида юзага келади.

Ишнинг учинчи фасли «*Замонавий романларда проспекциянинг поэтик хусусиятлари: индивидуаллик ва универсаллик*» деб аталган. Проспекция – воқеаларнинг келажакка йўналтирилиши, келажакка (келаси замонга) мурожаат қилишга ижодий имкон берувчи адабий-эстетик усул ҳисобланади. Ҳозирги замон адабиётшунослигида «ўтмишга назар» тушунчаси уч умуммазмунда маълум: ретроспекция (retrospekt), flashback, аналепс, аналепис (analeps, analepsis). Ҳар бир тушунча «келажакка назар» маъносидаги ўзининг антонимик, яъни зид жуфтлигига эга: ретроспекция–проспекция, flashback–flashforward, аналепс–пролепс. Проспекция – башорат, проспекция – ишора, сирли проспекциялар, муаллифнинг ошкора эътироф проспекциялари, сўзбоши, эпиграф, туш эпизодик тасвирида, хотимада учровчи проспекциялар сюжетнинг мантиқан кейин асосланажак воқеалар сисиласи учун туртки бўлади. Проспекциянинг адабий матндаги анъанавий «ўрни» – *кириш, сўзбоши, муаллифдан* шаклларидаги махсус прологларда. Проспекцияни ифодалашда ҳар бир ижодкор услубида ўзига хослик ва муштараклик мавжуд. «Асрни қаритган кун» романида Муаллифдан, «Кассандра тамғаси»да эпиграф ва эпилогда, «Қулаётган тоғлар»да эпилог, «Икки эшик ораси»да Муаллифдан, «Боқий дарбадар»да ярим бетдан иборат муқаддима вазифасини бажарган биринчи қисмда, «Исён ва итоат»да эпиграфда, Н.Норқобилов романларида туш тасвирида проспекция мавжуд бўлиб, адиблар бу усул орқали қаҳрамоннинг ҳаётида содир бўлиши мумкин бўлган воқеалар ҳақида қисқача изоҳ ёки ишора беради, китобхонни ўйлашга ва асарни ўқишга даъват этади. «Кассандра тамғаси»да келтирилган иккинчи эпиграф проспектив хусусиятга эга, «Икковидан қайси бири ҳали яшаб кўрмаган бўлса, қайси бири ёруғ дунёда қилинаётган ёвуз ишлардан беҳабар бўлса, ўшаниси саодатманддир»³⁰. Ушбу фикр Екклесиаст китобидан олинган. Эски Аҳднинг сўнгги қисмларидан бири бўлган «Воиз» китоби шубҳалар ва ҳақиқатни излаш, инсон ҳаётининг абадий саволлари ҳақидаги фалсафий китобдир. Сирли проспекциянинг моҳияти воқеалар ривожини мобайнида ойдинлашади, яъни адиб асарда икковидан қайси бири дейилганда, иксзурриёт ва кассандра-эмбрионига ишора қилган.

«Боқий дарбадар»да биринчи боб Ҳазратнинг башорати қаҳрамонига мурожаати шаклида берилган, бу проспекция – башорат ёзувчининг ижодий

²⁹ Айтматов Ч. Кассандра тамғаси: Фалсафий роман. /Русчадан Суюн Қораев таржимаси. – Т.: «Янги аср авлоди», 2016. – Б. 13.

³⁰ Ўша манба. – Б. 13.

мақсадига кўра асар матнида уч марта такрор ифодаланган. Дарбадарлик қисмати фақат унга насиб этмагани, илоҳий муждани рад этиб, манзилини йўқотганлар ҳаётда сон-саноксизлигини таъкидлайди. И.Султоннинг проспекция башорати Ч.Айтматовнинг «Кассандра тамғаси» романидаги инсониятнинг келажаги ҳақидаги таҳликали башоратига ҳамоҳанг. Ҳар икки адибнинг проспекция – башорати бугунги кунда ечимини топиши ўта мушкул жаҳоний муаммога айланиб улгурди. Шунингдек, проспекциядан тажрибали санъаткор адиблар ўз ижодий ниятларига мувофиқ, бадиий матннинг ўртасида ҳам кенг фойдаланишади. Проспекциянинг матн ичида ишораси сифатида «*олдидан айтиб қўяйлик*», «*қуйида айтилганидек*», «*ким билибди, дейсиз*» каби ифодалар «хизмат» қилади. Таҳлилимиздаги замонавий романларда адибнинг китобхонга мурожаати тарзида келтирилиб, кейинги содир бўлажак воқеаларга ишора қилинади. Чингиз Айтматов романларида пролог, эпиграф, ривоят, туш, эпилогда; Ўткир Ҳошимов, Нормурод Норқобилов, Улуғбек Ҳамдам, Исажон Султон романларида пролог, эпиграф, туш, башорат мотивлари орқали проспекция – башорат, проспекция – ишора, сирли проспекциялар, муаллифнинг ошкора эътироф проспекциялари яратилган. Туш, қаҳрамоннинг ички сезими орқали проспекцияни ифодалашда ижодкорлар услубида муштараклик кузатилса, пролог, эпиграф, ривоят, башорат мотивлари орқали яратишда ўзига хослик юзага келади. Ч.Айтматов, И.Султон услубида Шарқ ва Ғарб анъаналарининг адабий-бадиий синтези, Ў.Ҳошимов, Н.Норқобилов, У.Ҳамдам ижодида шарқона тимсоллар, тасаввуфий ғоялар устуворлиги намоён бўлади.

«Замонавий романларда хронотопнинг структурал компаративистикаси» номли тўртинчи боб уч фаслни ўзида қамрайди. Бобнинг биринчи фасли «*Ч.Айтматов ва И.Султоннинг бадиий хронос яратилиш маҳорати*» деб номланган. Мазкур фаслда бадиий замонни ифодалаган Ч.Айтматовнинг «*Асрни қаритган кун*», «*Қиёмат*», «*Кассандра тамғаси*» («*Охирзамон нишонлари*»), «*Тоғлар қулаганда*»; И.Султоннинг «*Боқий дарбадар*» романлари сарлавҳалари таҳлилга тортилган. Сарлавҳа асар мазмун-моҳиятига тўлиқ мос келиши, мавзу ва ғояси билан боғлиқ бўлиши ҳамда ёзувчи концепциясини акс эттириши керак. Сарлавҳани танлашда асар яратилган замон ва макон, муайян адабий ҳаракат ва мактабга хос хусусиятлар, тур ва жанр каби бадиий мезонлар мавжуд.

Чингиз Айтматовнинг биринчи романи «*И дольше века длится день*» 1980 йилда «*Новый мир*» журналида, кейинчалик «*Буранный полустанок*» номи билан «*Знамя*» журналида чоп этилган. Романнинг икки сарлавҳасида ҳам хронотоп акс этган, яъни биринчи номида бадиий замон, иккинчисида эса бадиий макон англашилади. Ўзбек тилига «*Асрга татиғулик кун*» ва «*Асрни қаритган кун*» тарзида Асил Рашидов томонидан юксак маҳорат билан таржима қилинган. Романнинг қирғизча нашри – «*Кылым карытаар бир кун*» чоп этилгандан сўнг унинг ўзбекча номи ҳам «*Асрни қаритган кун*» тарзида ўзгартирилган. Ч.Айтматов асарнинг 1990 йилги нашридаги «*Барча ҳақиқат тўққиз йил ўтиб*» прологидан роман сарлавҳаси аслида «*Чамбарак*» тарзида номлангани, бу ном асар моҳиятини, яъни «манкуртча маъно яққол кўзга

ташланиб, бутун коинотга ана шу ғалат бир эврилишни бошидан кечириши мумкинлиги хавфи борки, зеро, бутун дунёга мутлақ ҳукмронлик қилиш васвасасидагилар талашиш жараёнида «инсоният бошига ана шундай мудҳиш чамбарак кийдирмоқ» ишқида ёнаётганини» тўлиқ акс эттирганини алам билан ифодалайди. Цензура бошқа ном топишни қатъий талаб қилгач, адиб Б.Пастернак таржимасидаги В.Шекспир трагедиясидан бир мисра – «Асрни қаритган кун» сатрида тўхтайтиди, ўзи эътироф этганидек, бутун асардан воз кечгандан номини қурбон қилишни маъқул кўради. Аммо «Роман-газета» ва «Молодая гвардия» нашриётидагиларни бу ҳам қаноатлантирмайди, «соцреалистик» ном талаб қилишади, ниҳоят, роман «Бўронли бекат» сарлавҳаси остида нашр қилинади. «Асрни қаритган кун (Чингизхоннинг оқ булути. Тангрига тавалло)» қавс ичида бўлса ҳам, кичик сарлавҳа ўз вазифасига кўра, фойдадан холи эмаслигини муаллиф таъкидлаган. «Чингизхоннинг оқ булути» аслида қисса бўлиб, мафкуравий тазйиқнинг андишасини қилиб, зулматда сақлаб келинган ва муаллифни шу даражада қийнаган ҳамда тўққиз йил ўтиб романга киритилган.

«Плаха» (1986) ўзбек тилига «Қиёмат» тарзида Иброҳим Ғафуров томонидан таржима қилинган. Роман сарлавҳаси инсоннинг руҳий олами, табиат ва жамият билан муносабатларида юз берган қиёматларни ўзида умумлаштиради. Инсоннинг табиатга аёвсиз ҳукмронлиги, топташи натижасида ўзи ҳам ҳалокатга юз тутиши, тириклик дунёсини қиёматга айлантириши ёзувчининг фалсафий башорати янглиғ асар воқеаларининг ибтидосидан интиҳосигача нозик ип шаклида ўтади.

«Тавро кассандры», («Из ересей XX века») (1994) романи ўзбек тилига Суюн Қораев томонидан «Кассандра тамғаси» ҳамда «Охирзамон нишонлари» тарзида таржима қилинган. Асар учун танланган сарлавҳалар бир-бирини тўлдиради, яъни пешонасида қизил доғ, яъни кассандра тамғаси пайдо бўлган аёлнинг ҳомиласи дунёга келгач, инсониятни ҳалокат ёқасига, охирзамонга етаклайди. Охирзамон нишонлари океан ости, ер ва коинот вертикаллигида бўй кўрсатади: 1) китлар ўзларини қуруқликка отиб, ўлимга маҳкум этишлари; 2) инсоният генофондига қилинаётган таҳдид – ҳеч қандай яқини бўлмаган иксзурриётларнинг яратилиши; аччиқ қисмат эгаси бўлишдан кўрққан эмбрионларнинг туғилишни истамасдан, бераётган огоҳлантиришлари; 3) ерда ўзига жой йўқлигини англаган Андрей Крильцов коинотдан туриб, инсонлар ҳаётига даҳшат солиши. Сарлавҳанинг моҳияти микро, макро ва мегахронотопларнинг муштарак ифодасида теранлашади. Микрохронотопда бош қаҳрамоннинг коинотга ўзини улоқтириши, қалбида кечган тизгинсиз пўртаналар; макрохронотопда ерда, жамиятда, инсонлар орасида унга жой қолмагани; мегахронотопда коинотда ҳам хотиржамлик топмагани билан боғлиқ воқеликлар ифодаланади.

Исажон Султоннинг «Боқий дарбадар» романи сарлавҳаси фалсафий маъно касб этган, рамзлар, мураккаб тамсиллар матн ости моҳиятни англашга ундайди. Дуоибад, мактуб, ички монолог, қаҳрамон микрохронотопининг макро ва мегахронотоп билан кесишуви каби ҳолатлар асар драматизминини таъминлайди. Асар композицияси анъанавий мезонларга буйсунмайди. Яхлит

воқеалар тизими мавжуд эмас. Замонлар ва маконлар алмашинуви сингари воқеалар силсиласи ҳам бир текис кечмайди. Учала қисмдаги йигирма фаслнинг ҳар бири сарлавҳаланган. Марказий Осиё, Америка, Лувр, Бобо тошбақа мақбараси сингари маконни ифодаловчи жой номлари ҳамда Ҳижратнинг 190 йили, Милодий 1312 йил, Бўрондан ярим соат аввал, Бўрондан ўн беш дақиқа аввал, Бўрондан ўн дақиқа аввал каби замонни ифодаловчи бирикмалар фасл номлари сифатида қўлланилган. И.Ёқубов асарда инсон ҳокисорлиги ва поклигигина эмас, балки Яратувчининг қудрати, илми, жазоси, лаънати ёхуд марҳамати, кенг маънода абадиятдан-да юксак мартабаси ҳам улуғланишини таъкидлайди³¹.

«Когда падают горы (Вечная невеста)» (2006) романи ўзбек тилига Суён Қораев томонидан «Тоғлар қулаётган замон» («Абадий қаллик»), Иброҳим Ғафуров томонидан «Қулаётган тоғлар» («Мангу қайлик») тарзида таржима қилинган. Романнинг ҳар икки таржимасида бадий замон ва бадий макон англашилади. Аслиятдаги сарлавҳа маъноси С.Қораев таржимасида аниқ ифодаланган. Таҳлилга тортилган романлар сарлавҳаси фалсафий мазмун касб этган, ҳар бирида инсониятни огоҳлантириш, уларни бало-қазолардан асрашга интилиш ғояси устувор аҳамиятга эга. Романлар сарлавҳаси бадий замонни ифодалайди. Адиблар воқеалар силсиласи тасвирида айнан сарлавҳанинг моҳиятини сингдира олганки, турли сюжет чизиқларида сарлавҳанинг маъноси ҳар хил ракурсларда англашилади.

«Замонавий ўзбек романларида бадий маконнинг поэтик ифодаси» номли иккинчи фаслда ташқи маконни ифодаловчи сарлавҳалар – «Икки эшик ораси», «Дашту далаларда»; ички макон – қаҳрамон руҳий оламини ифодалайдиган сарлавҳалар – «Исён ва итоат», «Қорақуюн» романлари мисолида таҳлил қилинган.

Ўткир Ҳошимовнинг «Икки эшик ораси» романи сарлавҳасида икки хил моҳият яширинган: 1) инсоннинг туғилишидан вафотига қадар муддатда тириклик эшигидан кириб, абадият эшиги сари йўл олиши; 2) инсонлар олдида яхшилик ва ёмонлик эшиклари бўлиб, қай биридан кириш уларнинг ўзига ҳавола этилиши. «Дашту далаларда» романи сарлавҳасидан англашиладики, воқеалар даштда содир бўлади. Тошдара, Қоялидара, Чўянбет, Қўтирбет, Юқоригаза, Толлижар, Қийшиққоя, Иссиқжар, Ўртақир, Илондара, Суякисой, Қатортол каби жой номлари дашт ҳудудини аниқроқ тасвирлаш имконини берган. Асар хронотопи муқим эмас, ёзувчининг ижодий ниятига кўра замонлар ва маконлар ретроспектив ҳамда пропектив тарзда алмашилиб туради, аммо таянч макон – дашт, чунки чўл, қишлоқ ва сиҳатгоҳдаги воқеаларнинг бир учи даштга тутшиб туради. Дашт, чўл, қишлоқ ва сиҳатгоҳдаги воқеалар ўтмиш, ҳозир ҳамда келажак замонларида ҳалқаланади.

Улуғбек Ҳамдамнинг «Исён ва итоат» романи сарлавҳасида психологик хронотоп ифодаланган, яъни қаҳрамонлар руҳиятидаги контраст ҳолат – исёнкорнинг итоатга келиши, улар қалбида кезган тизгинсиз пўртаналар,

³¹ Ёқубов И. Мустақиллик даври ўзбек романлари поэтикаси. Монография. – Тошкент: Nurafshon business, 2021. – Б.65.

ғалаёнлар, қарама-қаршиликлар тимсоллар асосида ифодаланган. Роман бир-бирига мантиқан изчилликдаги уч қисм, саксон саккиз бобдан ташкил топган уч параллел хронотопни ўзида қамрайди: Биринчи, Қуръони Карим оятлари билан уйғунлашган воқеалар тизмасы, яъни оламнинг, Одам Ато ва Момо Ҳавонинг яралиши, шайтон қутқусига учиб, Адан боғидан қувилиши; иккинчи, Акбар ва табиб, Акбар ва Фарида, Акбар ва Диана, Акбар ва Искандар; учинчи, Турсунбой жонталаш ва табиб хронотопларидир. Одам Ато ва Момо Ҳаво хронотопи иккинчи ва учинчи хронотопга ёндош ҳолда бирор нуқтада кесишмайди. Иккинчи ва учинчи хронотоп эса табиб образи орқали туташади. «Қорақуюн» романи сарлавҳасида ёзувчи муайян ғоявий-эстетик мақсадни кўзлаб, рамзийлик-мажозийлик салмоғини орттириб, метафорикликни чуқурлаштирган. Асар сарлавҳасининг зоҳирий ва ботиний маъноси мавжуд. Зоҳирий маънода қорақуюн – аслида ўч олиш мақсадида ғулда тарбияланаётган итнинг номи, ботиний маънода эса Эрманнинг қалбини кемираётган ўч олиш оташи, тўфони англанади.

«Ч.Айтматов ва Н.Норқобилов услубининг структурал синтези» номли учинчи фаслда замонавий романларда сюжетдан ташқари элементлар: лирик чекиниш, портрет, пейзаж тасвири, персонаж характеристикасини бериш, қаҳрамон ўтмиши ҳақида ҳикоя қилиш, киритма воқеалар, ривоят ва афсоналардан фойдаланишда Ч.Айтматов ва Н.Норқобилов услубидаги муштарак жиҳатлар ва фарқли хусусиятлар таҳлил қилинган. Ретардация (лот. *retardatio* – секинлашув) – кульминацияга қарама-қарши адабий усул бўлиб, матнга сюжетдан ташқари элементлар: табиат ва интерьер тасвирлари, лирик чекинишлар, фалсафий мулоҳазалар, монологлар, туш тасвири, бир хил эпизодларни киритиш орқали сюжет ҳаракатининг ривожланиши секинлаштирилади³². «Кассандра тамғаси» романида қаҳрамоннинг фалсафий мушоҳадалари, портрет, пейзаж тасвири, Филофей ва Энтони Юнгернинг мактублари, Боркнинг туши сюжет воқеаларининг секинлашувига сабаб бўлган. Самовий роҳиб Филофейнинг Рим папасига йўллаган мактуби иккинчи бобни тўлиқ, олти ўринда «Худо ҳаққи, факсни ўчира кўрманглар» кириш гапи билан бошланувчи Энтони Юнгернинг Роберт Боркка факс орқали юборган жўнатмалари саккизинчи бобни қисман ташкил қилади, эпилог эса Филофейнинг видо мактуби, «Сен билан ва сендан кейин кўрган-кечирганларим» сарлавҳали тавба-тазарруси ифодаланган хатлардан иборат.

«Дашту далаларда» романида Эшқул полвоннинг ўтмишида рўй берган воқеалар – қайнотаси Ўсарқул баттол ва Фармонов билан боғлиқ хотиралари, аждаҳо ҳақидаги турли афсоналари, Эшқул полвоннинг инсон ва жондорлар ҳақидаги ўй-мулоҳазалари, Бўзбўри баъзан инсон, баъзан жондор шаклида тушига кириши; Саъдулла, рассом, Ўсарқул баттолнинг аёлига ошиқ бўлган йигит ва Тўланбойнинг аёли Ойгулга ошиқ бўлган йигит каби иккинчи даражали персонажларнинг асарга киритилиши, портрет ва пейзаж тасвири сюжет воқеалари маромини сусайтиради.

³² Словарь литературоведческих терминов. С.П. Белокурова. 2005. // https://literary_criticism.academic.ru/314/

ХУЛОСА

1. Бадиий замон адабий асарнинг ғоявий-эстетик концепциясидан келиб чиқувчи таркибан мураккаб ва хилма-хил тизимларнинг ўзаро яхлит системаси бўлиб, шакллари (*тарихий, хроникавий-маиший, авантюр ёки саргузашт, мистик, фантастик, идиллия, мифологик, биографик, абадият (эсхатологик), тақвим, реал*), турлари (лирик, эпик, драматик), категориялари (ўтмиш, ҳозир, келажак) ҳамда усуллари (ретроспекция, проспекция, ретардация)дан иборат диалектик бир бутун ижодий-эстетик ҳодисадир.

2. Бадиий макон бадиий замон каби воқеликни яхлит идрок этишни таъминловчи ва асар композициясини уюштирувчи, бадиий образнинг бадиий-ғоявий ва фалсафий хусусиятларини очувчи, бадиий асар ички ҳамда ташқи тузилишини ташкил этувчи ҳар бир унсурнинг алоқага киришини таъминловчи адабий-эстетик категория ҳисобланади. Асар қайси тур ва жанрга мансублигидан қатъи назар муаллиф оламнинг замон-макон моделини яратади. Бадиий макон асар замиридаги маъно-мазмун теракликларини кашф этишга; туйғу, воқеа-ҳодиса ва образларни тасвирлашга хизмат қилади.

3. Хронотоп ҳам бадиий асар структурасининг бошқа унсурлари сингари муаллифнинг олам тасвирини қайта ифодалаш шаклидир. Шу билан бирга, у бадиий олам ҳақиқатининг турли манзараларини яратишда иштирок этади. Хронотоп – сўз санъаткорининг ўзига хос ижод оламини ташкил этувчи ажралмас таркибий қисм сифатида ижодкор методи ва услубининг ўзига хос томонларини белгилайди, миллий ва умумбашарий ғоялар ривожига хизмат қилади.

4. Реал, ижтимоий, миллий, фольклор, фантастик, туш, хотиралар хронотопи асарнинг хронотоп тузилмасида муайян бадиий-эстетик функция бажаради. Таҳлилдаги романларда хронотоп шакллариининг синтези ёзувчининг инсон – жамият – табиат триадасини бадиий идрок этиш, улар ҳақидаги ҳукми бадиий концепция тарзида шакллантиришда муҳим роль ўйнайди. Уларнинг бири ёки муайян шакли воқеалар тасвирида устуворлик касб этади. Шунингдек, муаллифларнинг бадиий изланишлари, усул ва поэтик маҳоратлари асосида романларнинг мазмун-моҳияти, бадиий-фалсафий лейтмотивини очишда хронотоп шакллариининг уйғунлиги кузатилади. Ч.Айтматов, И.Султон романларида ижтимоий, фольклор, фантастик, туш ва хотиралар хронотопи; Ў.Ҳошимов, Н.Норқобилов, У.Ҳамдам романларида ижтимоий, фольклор, миллий ва хотиралар хронотопи муштарак ҳолда ифодаланган.

5. Образлар кўлами, айризамон ва айримаконда рўй берган воқеаларни тизимлаштириш маҳорати, мотив ва бадиий деталларнинг асар мазмун-моҳиятини ифодалашдаги аҳамияти, хронологик, концентрик, ассоциатив, ретроспектив сюжет ва мураккаб композиция унсурларининг мозаика усули орқали романлар семантик майдонида жойлаштирилиши каби бадиият мезонлари романлар фалсафий, ғоявий ва бадиий концепциясини ифодалашга хизмат қилган.

6. Проспекция – воқеаларни олдиндан айтиб бериш, ретроспекция – олдин содир бўлган воқеаларни ҳикоя қилишдир. Ҳар иккала восита ҳам макон ва замон узлуксизлиги ҳамда давомийлигини бузган ҳолда ўзаро яқин ва алоқадор бўлган сюжет чизиқларининг боғланишига халал беради. Шунга қарамадан, бадиий асардаги мантиқий изчиллик сюжет чизиқларини тизимлаштиради, биринчи ҳикоя кейингисига маъновий кўприк сифатида боғланади. Ретроспекциянинг хотира, ҳикоя, ривоят, афсона, эпиграф шакллари орқали Н.Норқобилов қаҳрамон хотиралари орқали ўтмишидаги изтиробли ва маҳзун ҳолатларга эътибор қаратса, Ч.Айтматов нафақат персонаж ўтмиши, балки узоқ тарихда содир бўлган воқеликларни ҳам параллел тасвирлайди. Проспекция – башорат, проспекция – ишора, сирли проспекциялар, муаллифнинг ошкора эътироф проспекциялари, сўзбоши, эпиграф, туш эпизодик тасвирида, хотимада учровчи проспекциялар сюжетнинг мантиқан кейин асосланажак воқеалар сисиласи учун туртки бўлади.

7. Сарлавҳа романларнинг ажралмас ва муҳим унсури сифатида муаллифнинг ғоявий-эстетик мақсадини очувчи семиотик калит вазифасини бажарган. Таҳлилдаги романларда ном танлашда муаллифлар Э.Хемингуэйнинг «айсберг» тамойилига таянишганини таъкидлаш лозим, чунки тадқиқот объекти сифатида танланган асарлар сарлавҳаси замирида зоҳирий ва ботиний мазмун-моҳият мавжуд. Ч.Айтматов, И.Султон романлари сарлавҳасида бадиий замон, Ў.Ҳошимов, Н.Норқобилов, У.Ҳамдам романлари сарлавҳасида бадиий макон мазмуни акс этган. Сюжет чизиқларининг параллелиги, мураккаб композиция қурилиши, халқ оғзаки ижодига хос анъанавий мотивлар, образлар кўламдорлиги, афсона, ривоят сингари жанрларнинг бадиий синтез ва стилизацияси, оддий ва мураккаб фольклоризмлар, хронотопнинг турли шакллари сарлавҳалар мазмун-моҳиятини очишда хизмат қилган.

8. Муаллиф ижодий ниятига мувофиқ ретардация усули орқали асар замони секинлаштирилади. Эпик (баъзан драматик) асарлардаги композицион усуллардан бири сифатида воқеалар ривожини секинлаштиришга имкон беради, бу эса кульминация ва ечимни кечиктиришига сабаб бўлади ва шу орқали китобхоннинг қизиқишини янада кучайтиради. Кечиктириш техникаси сюжетдан ташқари унсурлар лирик чекиниш, қистирма эпизод, тавсиф ва ретроспекцияни киритиш орқали амалга оширилади.

9. Парабола-романда қаҳрамон ҳозирга параллел ўтмиш манзаралари асар сюжетида аналитик ва синтетик ҳолатда сингдириб юборилади. Аммо ўтмиш, ҳозир ва келажакка оид воқеалар силсиласининг параллел хронотопни ҳосил қилиши романи мустақил қисмларга ажратиб юбормайди. Ёзувчининг олам ва одам ҳақидаги фалсафий концепцияси романларнинг ички яхлитлигини тўла таъминлаган. Жанр шакллариининг ўзаро таъсири ва синтези натижасида роман контекстидаги парабола ўзининг зоҳирий маъносини йўқотиб, ботиний суратда ахлоқий, фалсафий ва диний моҳиятларни параллел хронотоп асосида очиб беради. Романларнинг бадиий концепциясини

англатувчи параболик диалектиканинг асосини инсоннинг ўзлигини англаш, умумбашарий қадриятларни асраш ғоялари ташкил этади.

10. «Исён ва итоат»да Одам Ато ва Момо Ҳаво шайтон кутқусига учиб жаннатдан қувилиши ҳақидаги диний ривоят орқали ҳанузгача уларнинг фарзандлари шу кутқунинг қурбонига айланишгани боис залолат денгизига ботгани далилланса; «Қиёмат» ва «Боқий дарбадар»да Исо Масиҳни жазолаш, уни чормих қилиш тўғрисидаги диний ривоят орқали қанча замон ва маконлар ўтмасин, гуноҳ саҳросида сарбасар кезишдек дарбадарлик тасвирланган. Гуноҳкор кимсаларни эзгуликка даъват этгувчилар қисмати эса замонлар оша фожиали тарзда такрорланаверади.

11. «Асрни қаритган кун» романида уч тарихий ривоят ўтмиш ва ҳозирнинг инверсиялашуви натижасида манқуртлик, истибдод ва айрилик мотивларини теран идрок қилинишини таъминлаган. «Дашту далаларда»ги Донишота ривояти ва «Қорақуюн»даги Оларит ҳикояси қаҳрамон ички оламининг турли эврилишларини параллел хронотоп асосида ифодалашга хизмат қилган.

12. Характерлараро конфликт, қаҳрамон ва муҳит конфликтини ички (психологик) конфликт пойдеворида шакллантирилган. Асарда қоришиқ ҳолда, ўзаро узвий алоқада бўлиб, микро, макро ва мегахронотоплар бири иккинчисига ўтган, бири иккинчисини келтириб чиқарган ёки бири иккинчиси орқали ифодаланган. Бу адабий ҳодиса микро, макро ва мегахронотоп параллелигини таъминлаган.

13. Инсон ва жонзот микрохронотопини параллел ифодалашда Ч.Айтматов ва Н.Норқобилов услубида муштараклик ва ўзига хослик мавжуд. Романларда инсон ва жонзот руҳий оламини ёндош тасвирлаш инсон қалбининг сирли, англаш мушкул жиҳатларини турли ракурсларда тасвирлаш имконини беради. Ч.Айтматов жонзотлари – Акбара ва Тошчайнар, Жаабарс инсонийлаштирилган, яъни улар инсонлар сингари туйғулар оламида яшайдилар, Қоранорнинг феъл-атвори Эдигей Бўрон, Казангап, Коспан уй-фикрлари орқали очилган. Н.Норқобиловнинг жонзотлари – Бўзбўри ва Қораманглай, Қорақулоқ, Қорақуюнда эса ҳайвонот оламига мансублик биринчи ўринда бўлиб, инсон микрохронотопини теран тасвирлаш учун бадиий-эстетик функция бажарган.

14. Хронотоп назариясини ўрганиш, уни турли бадиий сатҳларда – адабий жанрлардаги асарларда, услуб ва йўналишларда, муайян давр камровида, бир ёки бир неча муаллифлар ижодида қўлланилишининг ўзига хос эстетик қирраларини тадқиқ этиш замонавий адабиётшуносликнинг аҳамиятли ва устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Умуман олганда, бадиий замон ва макон олам манзарасининг поэтик тасвирини яратишда, ўтмиш, ҳозир, келажакка оид сюжет воқеаларини тизимлаштиришда, образларнинг руҳий оламини, олам ва одам муносабатларини ифодалашда муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги адабий жараёнга мансуб асарларда хронотопнинг ноанъанавий шаклланишининг қўлланилиши бу феномен моҳиятини чуқурроқ англаш ва ўрганиш заруриятини қўяди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
БУХАРСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ
УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА И ЛИТЕРАТУРЫ ИМЕНИ АЛИШЕРА НАВОИ**

ТУРАЕВА БАХОР БАХРИДДИНОВНА

**СРАВНИТЕЛЬНО-ТИПОЛОГИЧЕСКОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ
ПОЭТИКИ ХРОНОТОПА В СОВРЕМЕННОМ РОМАНЕ**

**10.00.06 – Сравнительное литературоведение, сопоставительное
языкознание и переводоведение**

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации на соискание учёной степени доктора
ФИЛОЛОГИЧЕСКИХ НАУК (DSc)**

Тема докторской диссертации (DSc) зарегистрирована за номером B2021.1.DSc/Fil296 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном университете узбекского языка и литературы имени Алишера Навои.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) выложен на веб-странице Научного совета (www.buxdu.uz) и на Информационном образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный консультант:

Халлиева Гулноз Искандаровна
доктор филологических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Муродов Гайрат Некович
доктор филологических наук, профессор

Жураева Малохат Мухаммадовна
доктор филологических наук, профессор

Чупонов Отаназар Отожонович
доктор филологических наук, профессор

Ведущая организация:

Самаркандский государственный университет

Защита диссертации состоится «19» июля 2022 года в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 по присуждению учёных степеней при Бухарском государственном университете. (Адрес: 200118, город Бухара, улица М.Икбол, 11. Тел.: +99865221-29-14; факс: +99865221-27-07, e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz.)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного университета (зарегистрирована за № 194). (Адрес: 200118, город Бухара, улица М.Икбол, 11. Тел.: +99865221-25-87.)

Автореферат диссертации разослан «07» июля 2022 года.

(Протокол-реестр рассылки № 22-23 от «07» июля 2022 года.)



Д.С. Ураева
Председатель Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор филологических наук, профессор

З.И. Расулов
Учёный секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней, кандидат филологических наук, доцент

М.М. Жураева
Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней, доктор филологических наук, (DSc), профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук [DSc])

Актуальность и востребованность темы диссертации. В 70-е годы XX века в мировом литературоведении хронотоп как литературно-эстетическая категория рассматривался как одно из поэтических средств отражения бытия и как литературное явление, основанное на творческом замысле писателя и идейной концепции произведения, на создании сюжета, композиционном построении, восприятии картины реальной жизненной действительности. Анализ в сравнительно-типологическом обобщении задач хронотопа по воссозданию образа мира, выражение существующего социального положения общества на основе освещения психики персонажей, отражение национально-культурных особенностей, вековых ценностей, традиций и религиозных воззрений, расширение смыслового уровня художественного произведения являются одной из актуальных задач современного литературоведения.

В мировом литературоведении хронотоп трактуется как элемент композиции, характеризующий последовательность и интенсивность событий произведения, как литературно-эстетическая категория, характеризующая образы и отражающая видение, мировоззрение автора об устройстве мира. Действительно, творческое глубинное овладение хронотопом, организующим структуру, сюжет и композицию произведения, формирующим эпическое текстовое поле, обеспечивающее восприятие художественной действительности в целостном виде, подразумевает специфический подход к пониманию эстетической природы произведения. Потому как хронотоп охватывает все элементы произведения, цикл событий, настроения героев не может быть показано без изображения художественного времени и художественного пространства.

В годы независимости в узбекском литературоведении наряду с давними научными традициями сформировалась тенденция к творческому освоению и применению в исследованиях новых методов и подходов в мировом литературоведении. Следовательно, в художественной литературе наблюдается гармонизация развитых на Западе принципов образно-художественного переосмысления мира с восточными литературными традициями. Необходимость «разработки целевой программы для включения высших учебных заведений в международные рейтинги QS и THE, обеспечить духовное развитие и вывести сферу на новый уровень»¹ ставит перед нашей наукой задачу вывести исследования на уровень мировых стандартов. Такие приоритетные цели обуславливают исследование таких вопросов как выражение социального, духовного ландшафта эпохи, когда в современных романах создавалась художественная модель авторов, придававших новую силу мировому литературному мышлению; изображение человеческих психических переживаний на основе микрохронотопа, острых противоречий эпохи на основе макрохронотопа, проблем человека и общества в масштабе

¹Указ Президента Республики Узбекистан от 28.01.2022 г. N УП-60 О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы/ <https://lex.uz/uz/pdfs/5841077/>

вселенной-мегахронотопа, умение охватывать в хронотопах художественно-философские, этико-эстетические идеи, мысли и концепции от далекого исторического прошлого до ближайшего будущего.

Данная диссертация в определенной степени служит реализации задач, определенных в Постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-3160 «О повышении эффективности духовно-просветительской работы и поднятии развития сферы на новый уровень» от 28 июля 2017 года, № ПП-2789 «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательских работ» от 17 февраля 2017 года, №ПП-3271 «О программе комплексных мер по развитию системы издания и распространения книжной продукции, повышению культуры чтения» от 13 сентября 2017 года, Указах № УП-5847 «Об утверждении Концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года» от 8 августа 2019 года, №УП-60 «О новой стратегии развития Узбекистана на 2022-2026 годы» от 28 января 2022 года, выступления на тему «Развитие литературы и искусства, культуры – прочный фундамент поднятия духовного мира нашего народа» а также других нормативно-правовых документов относительно данной сферы деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационное исследование осуществлено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий Республики I. «Формирование системы инновационных идей и пути их реализации в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовно-просветительском развитии информатизированного общества и демократического государства»

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации². В ходе теоретических и практических исследований, проводимых в ведущих мировых научных центрах и высших учебных заведениях получены важные научные результаты по изучению свойств и поэтики хронотопа, в частности нашли свое решение такие вопросы как неразрывность хронотопного анализа с философскими, эстетическими, этическими, психологическими взглядами писателя (Кембриджский университет, Великобритания, Университет Индианы, США), зависимость авторской концепции времени и пространства от модели эпохи, в которой он жил (Гентский университет, Бельгия), важность ритма и темпоральности, роль хронотопа в раскрытии отношений вселенной и человека в полифоническом романе (Университет Ватерлоо, Канада), (Амстердамский университет, Нидерланды), роль вертикальных и горизонтальных хронотопов в создании художественного пространства романа, диалектика преемственности художественного времени и художественного пространства (МГУ имени М. В. Ломоносова, Санкт-

² Обзор международной научной литературы по теме диссертации осуществлён на основе следующих источников: <https://www.cam.ac.uk/>, <https://www.indiana.edu/>, <https://uwaterloo.ca/>, <https://www.ugent.be/en>, <https://www.unil.ch/central/en/home.html>, <https://www.uva.nl/en?cb>, <https://www.msu.ru/>, <https://urfu.ru/ru/>, https://www.istanbul.edu.tr/tr/_, <https://gazi.edu.tr/>, <https://www.ankara.edu.tr/>, <https://osh.rgsu.net/>, <https://www.kaznu.kz/ru>, <https://www.uzswlu.uz/>, <https://buxdu.uz/>, <https://www.samdu.uz/ru>.

Петербургский государственный университет, Россия), граница человеческого «я», природа образов, психика героя, его внутренние переживания, жанрообразующая роль хронотопа (Казахский национальный университет имени Аль-Фараби, Казахстан), то, что хронотоп, став важнейшей характеристикой образа, обеспечивает целостное восприятие литературно-поэтической действительности, создаваемой автором в произведении – творческо-эстетическое усвоение, то есть принятие художественной действительности в полной целостности (Стамбульский университет, Университет Гази, Университет Анкары, Турция), (Институт языка и литературы им. Ч.Айтматова, Кыргызстан), поэтика хронотопа в «Хамсе» Алишера Навои, особенности эпического, лирического, драматического хронотопа, мастерство авторов в применении традиционных, параллельных и синкретических хронотопов, определение места концепции времени в текстовой структуре в исторической драме (Ташкентский государственный университет узбекского языка и литературы им. Алишера Навои, Бухарский государственный университет, Самаркандский государственный университет, Узбекский государственный университет мировых языков).

В мировом литературоведении в отношении литературно-эстетической сущности и теоретических принципов хронотопной категории, эволюции, модификации видов и жанров, влияния на архитектуру художественного произведения, семиотики художественного текста, взаимостолкновения, параллелизма пространственно-временных форм в рамках одного литературного текста или нескольких текстов проводятся исследования по следующим приоритетным направлениям: по одной из актуальных проблем современного литературоведения – продолжение бахтиноведческой традиции; изучение истории становления, сущности, функционального значения проблемы хронотопа с позиций синергетики, герменевтики, семиотики, когнитивизма.

Степень изученности проблемы. В мировом литературоведении научно-теоретические проблемы художественного времени и художественного пространства освещены в исследованиях таких европейских ученых как Н.Мeyerhof, А. James, W. Heffernan, A. Rodriguez, M. Vukanović and, L. Grmuša, N. Bemong, P. Borghart, J. Culler, M. Atkins)³, таких российских ученых как М. Бахтин, Д. Лихачев, Н. Гей, Н. Шутая, А. Николаев, З. Тураева, Б. Мейлах, Е. Мелетинский, В. Хализев⁴ и таких узбекских ученых как Н. Шодиев,

³ Meyerhof N. *Time in Literature*. University of California Press, Berkeley-Los Angeles, 1960; James A., Heffernan W. *Space and time in literature and the visual arts. Soundings: An Interdisciplinary Journal*, Vol. 70, № 1/2, 1987; Rodrigues A. and etc. *Studies on Time: Time in Literature*. Institute of Advanced Studies of the University of São Paulo, Berkeley, Los Angeles: University of California Press, 1991; M. Vukanović and, L. Grmuša. *Space and Time in Language and Literature*. Cambridge Scholars Publishing, 2009; Bemong N., Borghart P. and etc. *Bakhtin's theory of the literary chronotope: reflections, applications, perspectives*. – Belgium: Gent, Academia Press, 2010; Culler J. *Literary theory*. – New York: Oxford University Press Inc, 2011; Atkins M. *Time and Space Reconsidered the Literary Landscape of Murakami Haruki*. PhD Thesis. SOAS, University of London, 2012.

⁴ Бахтин М.М. *Вопросы литературы и эстетики*. – М., 1975, яна: *Проблемы поэтики Достоевского*. Работе 1960-х–1970-х гг. – М.: «Наука», 2002; яна: *Вопросы литературы и эстетики*. – М.: «Худож. лит.», 1975; яна: *Эстетика словесного творчества*. – М.: «Сов. писатель», 1986. яна: *Эпос и роман*. // *Вопр. лит.* 1970. – №1; Гей Н.К. *Искусство слово*. – М.: «Наука», 1967; Лихачев Д.С. *Поэтика древнерусской литературы* / Д. С. Лихачев. - 2-е изд., доп. - Л.: Худож. лит., 1971.; яна: *История поэтики русской литературы*. Смех как мировоззрение и другие работы. СПб:

Х.Болтабоев, Э.Абуталиева, Г.Муродов, У.Журакулов, Б.Каримов, Д.Курунов, А.Туйчиев, А.Носиров, С.Мирзаева, К.Кодиров, М.Умарова, У.Каршибаева, У.Назаров, Д.Хурсанов. В частности, в книге Х.Мейергофа «Время в литературе», в трудах Марселя Пруста, Джеймса Джойса, Томаса Манна и Томаса Вульфа изложены философские проблемы хронотопа и обобщены их творчески-индивидуальные решения, то в исследованиях таких авторов как М.Vukanovićand, L.Grmiša теоретико-аналитически исследованы внутренние специфические связи хронотопа, эпического пространства и эпического времени в романе. Д.Лихачев рассматривал субъективные аспекты поэтики художественного времени, эпического времени в древнерусской литературе; М.Бахтиным было проведено научно-теоретическое исследование эстетической взаимосвязи художественно освоенного времени и пространства, т. е. проявления в художественном произведении признаков времени в пространстве, восприятия предметов-вещей в пространстве во времени.

